

# СОЛИҚ ва ХАБАРЛАРИ БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

1994 йил январдан чиқа бошлаган, ҳафтага бир марта чоп этилади

№ 47 (1371) • 2020 йил 24 ноябрь

ISSN 2010-524X

## УШБУ СОНДА

Йиллик инвентаризацияга тайёрмисиз?

2-бет

Қайси ҳолларда ЭҲФни тақдим этмас бўлади

3-бет

Декабрь. Солиқ тўловчининг тақвими

4-5-бетлар

Корхона 2019 йил учун ҚҚС қопламасини олмақчи...

5-бет

Бир неча лавозимда ишлашни тўғри расмийлаштиринг

6-бет

Норезидент кўчмас мулкни резидентга сотганда ким ЖШДС тўлайди?

7-бет

Шўба корхонасининг бухгалтерия ҳисоби

8-бет

Аудиторлик хулосасини талаб қилиш тўғрими?

10-бет

Ҳужжатлар электрон айланганда яна қандай муаммолар бор?

12-13-бетлар

## ✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

### 2021 ЙИЛ 1 АПРЕЛДАН ҚАНДАЙ ИМТИЁЗЛАР БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг солиқ имтиёзларини оптималлаштиришга қаратилган 17.11.2020 йилдаги ПФ-6112-сон Фармони қабул қилинди.

Ҳужжатга мувофиқ 2021 йил 1 апрелдан бошлаб Президентнинг 14.03.2007 йилдаги «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3860-сон Фармони ўз кучини йўқотди. Тегинишча, ушбу санадан бошлаб унда назарда тутилган солиқ имтиёзларининг амал қилиши тўхтатилади. Хусусан, хўжалик юритувчи субъектларнинг 5 йил мобайнида ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, ушбу мақсадлар учун берилган кредитларни сўндириш харажатларига ҳамда лизинг объекти қийматини тўлашга йўналтирилган инвестиция суммаларига фойда солиғи бўйича солиқ базасини камайтириш ҳуқуқига доир имтиёз бекор қилинади.

Эслатиб ўтамиз, Солиқ кодексига фойда солиғи доирасида қуйидаги миқдорлар-

даги инвестициявий чегирма назарда тутилган:

- янги технологик ускуналар қийматининг, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва (ёки) технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш харажатларининг ва (ёки) ахборот тизимларини яратишга доир инвестиция лойиҳалари доирасида маҳаллий ишлаб чиқаришни дастурий таъминотини сотиб олишга йўналтириладиган маблағлар суммаларининг 10%и миқдориди;
- ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтиришга, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишга йўналтириладиган маблағлар суммасининг 5%и миқдориди.

Солиқ кодексининг 317-моддаси 17-бандига мувофиқ чегириб ташланмайдиган харажатлар бўйича инвестициявий

чегирма берилмайди, у қуйидагилар амалга оширилган ҳисобот (солиқ) даврида қўлланилади:

- янги технологик ускуна ишга туширилган;
- ўз ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва (ёки) технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш амалга оширилган, ишлаб чиқариш янги қурилиш шаклида кенгайтирилган, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилиш амалга оширилган, ахборот тизимларини яратиш бўйича инвестиция лойиҳалари доирасида маҳаллий ишлаб чиқаришнинг дастурий таъминоти сотиб олинган (СК 308-м. 4, 5-б.).

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) 18.11.2020 йилда эълон қилинган.



## «ТЕРМИЗ ХАЛҚАРО САВДО МАРКАЗИ» ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Президентнинг 12.11.2020 йилдаги ПФ-6109-сон Фармони билан ушбу эркин савдо зонаси «Термиз» ЭИЗ ҳудудини қисқартириш ҳисобига тегинли дирекция билан бирга ташкил этилади.

Фармон «Термиз» ЭИЗ негизида ишлаб чиқарувчилар, экспорт қилувчилар ва харидорлар учун сақлаш, транспорт ва бошқа замонавий хизматлар инфратузилмасини ташкил этилишини назарда тутди. Ҳукумат томонидан бир ой муддатда «Термиз» ЭИЗ ҳамда Термиз ХСМ ҳудудларининг чегаралари белгиланади, янги зонани ривожлантириш дастури тасдиқланади, товарларни олиб кириш, ва олиб чиқиш, божхона режимларини расмийлаштириш, маҳсулотларни реализация қилиш, хорижий фуқаролар ва транспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши, ушбу ҳудудда бўлиши ҳамда ундан чиқиши билан боғлиқ тартиб белгиланади.

Термиз ХСМ ҳуқуқий режимининг ўзига хос жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- а) замонавий технологиялар асосида маҳсулотларни қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш, саралаш ва қадоклаш хизматлари ҳамда электрон савдо порталлари ташкил этилади;
- б) «ягона дарча» ва интерактив механизмлар асосида божхона, солиқ, сертификация, фитосанитария, ветеринария, транспорт, банк ва валюта айирбошлаш, мобил алоқа ҳамда мижозлар учун тиббиёт ва мехмонхона, автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва бошқа хизматлар йўлга қўйилади;
- в) Афғонистон Ислам Республикаси фуқаролари ва ушбу давлат ҳудудидан кирувчи бошқа давлат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг, истисно

тариқасида, Ўзбекистон Республикасига кириш визасини расмийлаштирмасдан, шахсий ва паспорт назоратидан ўтган ҳолда (вақтинчалик рўйхатдан ўтмасдан) 10 кун давомида ҳудудга кириш, ҳудудда бўлиш ва ундан чиқиш тартиби жорий этилади;

- г) маҳаллий тadbirkorлар томонидан:
  - чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга реализация қилинади;
  - Афғонистон ҳудудига олиб чиқиладиган товарлар ва хизматлар экспортга тенглаштирилади;
  - д) чет эл товарлари «эркин божхона зонаси» божхона режимига расмийлаштириш орқали жойлаштирилади ҳамда, истисно тариқасида, ушбу товарлар билан чакана савдо операцияларини амалга оширишга рухсат этилади;
  - е) Ўзбекистон ҳудудига бўлган хорижий давлат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳаракатланиш ҳужжатлари асосида алоҳида назорат ўтказиш пункти орқали ўтади ва ортага қайтишга факат кирган назорат ўтказиш пункти орқали рухсат этилади;
  - иқкинчидан, Термиз ХСМ ҳудудига Афғонистон томонидан кириш ва ундан чиқиш «Термиз-автойўл» ўтказиш пунктидан махсус техник воситалари билан жиҳозланган алоҳида йўлак (коридор) орқали белги-ланган тартибда амалга оширилади.
- «Термиз» ЭИЗ, Термиз ХСМ ва «Сергели индустриал парки» КСЗ фаолиятини ривожлантириш бўйича ишчи гуруҳи ташкил этилади. У мазкур ҳудудларга салохиятли инвесторларни жалб қилиш, идораларга мувофиқлаштириш, ташқи муҳандислик-коммуникация ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ишлари билан шуғулланади.

Қурилиши тугалланган объектлар фойдаланишга қабул қилингандан сўнг ишчи гуруҳи томонидан бел-

гиланадиган қийматда ва тартибда дирекциялар томонидан ошкора савдолар ўтказиш йўли билан талабгорларга сотилади.

«Термиз» ЭИЗ, Термиз ХСМ ва Сергели индустриал парки объектларини куриш ҳамда фаолият кўрсатиши даврида:

- а) дирекцияларга объектларни сотиш, лизинг ва ижарага беришдан тушган тушумининг олинган кредитни қайтаришга йўналтирилган қисми бўйича фойда солиғи ставкаси 2023 йилга қадар 50%га камайтирилган ҳолда ҳисобланади;
- б) 2023 йил 1 январга қадар объектларни куришга жалб қилинган лойиҳачи ва бош пудрат ташкилотлари ҳамда дирекциялар:
  - қурилиш ишларини амалга оширишда зарур бўлган ва Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича импорт қилинадиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар, махсус техника ва қурилиш техникаси, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар, металл конструкцияларини хориждан олиб келишда божхона тўловларидан (ҚҚС ва божхона расмийлаштириуви йўлдан ташқари) озод қилинади;
  - қурилиш ишларини амалга ошириш учун импорт қилинадиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар, махсус техника ва қурилиш техникаси, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар, металл конструкциялари учун ҳисобланган қўшилган қиймат солиғини тўлашни Дирекцияларнинг қафолат хати асосида 120 кунга қадар кечиктириш ҳуқуқи берилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 13.11.2020 йилдан кучга кирди.

## ЙИЛЛИК ИНВЕНТАРИЗАЦИЯГА ТАЙЁРЛАНАМИЗ

Йил якуни яқинлашмоқда, олдинда – йиллик инвентаризация. Унга қандай тайёрланиш ва қандай ўтказиш борасидаги савол айниқса акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, сўғурга ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар учун долзарбдир. Ахир улар 2021 йил 1 январдан бошлаб бухгалтерия ҳисобини МҲХС асосида юритишлари керак. Буни қандай амалга ошириш ҳақида, [buxgalter.uz](http://buxgalter.uz) илтимосига биноан «TRI-S-AUDIT» МЧЖ аудиторлик компаниясининг директори Светлана ГОЛОСОВА сўзлаб берди:

– Инвентаризацияга тайёрланиш ва уни ўтказиш қоидаларида ҳозирча ҳеч қандай янгиликлар йўқ. Ушбу вазифаларни ҳал қилишда 19-сон «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш» Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартига (АВ рақами 833, 2.11.1999 й.) амал қилиш зарур. Бунда ушбу қоидаларга илгаригидек барча, шу жумладан – янги йилдан бошлаб МҲХСга ўтадиган ташкилотлар ҳам риоя қилишлари керак.

Кўп бухгалтерларни МҲХСга ўтиш муносабати билан инвентаризацияни ўтказиш қоидаларига ўзгартиришлар киритилиши борасидаги савол қизиқтирмакда. Бу савол юзасидан аниқлик, афтидан, 2021 йилда пайдо бўлади. Сабаби МҲХС бўйича ишлайдиган ташкилотлар сони жиддий ошади ва келгуси йилда улар молиявий ҳисоботни халқаро стандартлар бўйича топширишлари керак бўлади. Мана шунда амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш лозимлиги очик-ойдин намоён бўлади.

Ҳуллас, йиллик инвентаризацияга қандай тайёрланиш лозим? Кўп йиллик кузатувлар асосида қандай ҳулосалар қилиш мумкин?

Йиллик инвентаризация йиллик молиявий ҳисобот тузилиши олдиндан ўтказилади. Бундай ҳисоботни топшириш муддатлари Чораклик ва йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиш муддатлари тўғрисидаги низом (АВ рақами 942, 3.07.2000 й.) билан белгиланган. Бундан инвентаризацияси ҳисобот йилининг 1 октябрдан кейин ўтказилган мол-мулк мустансо. Қоидага кўра, молиявий ҳисоботдан олдинги инвентаризация 4-сон «Товар-моддий захиралар» БҲМС (АВ рақами 3259, 30.06.2020 й.) ва 5-сон «Асосий воситалар» БҲМС-га (АВ рақами 1299, 20.01.2004 й.) биноан бир йилда камида бир марта инвентаризацияланадиган товар-

моддий захиралар ва асосий воситаларни инвентаризация қилиш билан бирга ўтказилади.

19-сон БҲМСнинг 1.5-банди билан анча тез-тез даврийлик ўрнатилган бошқа инвентаризация турларини ҳам шу даврга такаб ўтказиш мумкин. Ва бу оқилона қарор ҳисобланади, сабаби йиллик молиявий ҳисобот тузиш олдиндан инвентаризацияда мутлақо ҳаммаси текширилади.

Ҳозир айна вақти бўлган тайёргарлик босқичини жуда муҳим деб ҳисоблайман.

### Тайёргарлик режаси

1. Ҳужжатларни тартибга келтириш, инвентаризация чоғида зарур ҳужжатни тез топиш учун уларни жилдлар бўйича жойлаштириш. Ушбу босқичда камдан-кам ҳолларда бухгалтерия ҳужжатларини тиклашсиз уйдalasа бўлади. Ҳатто энг тажрибали бухгалтерларда бир неча йўқотилган ёки охирига чара расмийлаштирилмаган ҳужжатлар топилади. Барча ушбу камчиликларни олдиндан бартараф этиш зарур. Барчаси қорхонанинг ҳисоб сисъатига мувофиқ бўлиши керак.

2. Товар-моддий кимматликларини тайёрлаш ташаббуси билан чиқинг. Улар гуруҳланган, сараланган ва номи, навлари ва ўлчамлари бўйича сонини ҳисоблаш учун қулай муайян тартибда жойлаштирилиши керак.

3. Активлар Ҳисоб сисъати билан белгиланган асосий воситалар, товар-моддий кимматликлар, инвентарь мезонлари бўйича тўғри таснифланганлигини текшириш.

4. Барча объектлар ва бўлинмалар бўйича икки нусхада инвентаризация рўйхатини тайёрлаш, бунда «Бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича» графасини тўлдириш.


5. Раҳбарият томонидан белгиланган санага Ҳисоб сисъати билан белгиланган муддатда инвентаризацияни

ўтказиш тўғрисидаги буйруқ лойиҳасини тайёрлаш. Бу ташкилий малакарни ҳал қилиш имконини беради. Шу жумладан:

– муддатларни ва текшириладиган объектларни белгилаш;

– инвентаризация бўйича комиссия таркибини шакллантириш. Бу масалада 19-сон БҲМСнинг 2.8-2.10-бандларига амал қилинг. Комиссия аъзоларининг сони инвентаризацияни 19-сон БҲМС бўйича таъминлаш учун мақбул бўлиши кераклигини инобатга олинг;

– регламентни ишлаб чиқиш. Бу комиссия аъзоларининг ишини инвентаризация жараёнининг ҳар бир босқичида регламентлайдиган қоидалар, йўриқномалар, фармойишлар бўлиши мумкин. Ушбу ҳужжатларда фирманинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олувичи услубият, тасдиқномалар, контрагентлар-етказиб берувчилар, сотиб олувчилар, банклардан ҳисоб маълумотларини олиш тартиби ёзилган бўлиши керак. Комиссия ишига эътирозлар бўйича масалаларни ҳал қилиш тартиб-таомилани баён этинг. Инвентаризация натижалари акс этти-



риладиган бошланғич ҳисоб ҳужжатлари шаклларини белгиланг.

6. Ташкилот раҳбари инвентаризация комиссиясини иш учун зарур барча нарсалар билан таъминлаши даркор. Инвентаризация ўтказиладиган хоналарни тамғалаш учун тамғалагич билан таъминлашга алоҳида эътибор бериш зарур.

7. Шундан сўнг фақат буйруқни имзолаш ва инвентаризацияни бошлаш учун уни комиссия аъзоларига тарқатиш қолади.

Олег ГАЕВОЙ тайёрлади.

### ТУЗАТИШ

«Солиқ ва божхона хабарлари» газетаси 2020 йил 8 сентябрдаги 36 (1360)-сонининг 4-саҳифасида чоп этилган «Маблағ етмай турганда» материалда «2019 йил 1 январдан бошлаб давлат улуси 50%дан кам бўлган қорхоналар билан шартномалар бўйича ички бозорда олдиндан 15 фоиз тўловни амалга оширишга доир талаб бекор қилинган» жумласидан кейинги ҳавола «(30.10.2018 й. ПФ-5564-сон Фармон 1-б. «а» кичик банди)» деб ўқилсин.

\*\*\*

«Солиқ ва божхона хабарлари» газетаси 2020 йил 22 сентябрдаги 38 (1362)-сонининг 3-саҳифасида чоп этилган «Технопарк резидентлари имтиёзлари қандай қўлайлиқлар» материалда «Қорхона Технопарк резидентли мақомидан маҳрум қилинган ойдан кейинги ойнинг 1-санасидан бошлаб имтиёзни йўқотади (589-сон Низом 589-б.)» жумласидаги ҳавола «(Низом 29-б., ВМнинг 589-сон қарори билан тасдиқланган)» деб ўқилсин.

\*\*\*

«Солиқ ва божхона хабарлари» газетаси 2020 йил 6 октябрдаги 40 (1364)-сонининг 6-саҳифасида чоп этилган «Ер қазри – давлат хазинаси» материалда иккинчи устун пастдан иккинчи хатбошидаги ҳавола «(20.06.2020 йилдаги 394-сон)» деб ўқилсин.

\*\*\*

«Солиқ ва божхона хабарлари» газетаси 2020 йил 20 октябрдаги 42 (1366)-сонининг 6-саҳифасида чоп этилган «ЯТТнинг ёлланган ходимлар учун тўлайдиган солиқлари» материалнинг иккинчи устуни саккизинчи хатбошидаги ҳавола «(ВМнинг 219-сон қарорига 1-илова)» деб ўқилсин.

### УШБУ СОНДА:

#### • ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– 2021 йил 1 апрелдан қандай имтиёзлар бекор қилинади  
– «Термиз халқаро савдо маркази» ташкил этилади **1-бет**  
• МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ  
– Йиллик инвентаризацияга тайёрланиш **2-бет**

#### • СОЛИҚ СОЛИШ

– Кимлар ЭҲФ тақдим этмасликка ҳақли  
– Айланмадан олинандиган солиқ қачон тўланади

– Даромадларни таснифлаш ва ЖШДС  
– Бир неча лавозимда ишлаганда иш ҳақи қандай ҳисоблаб чиқарилади?  
– Хорижий шахс кўчмас мулкни реализация қилганда солиқ оқибатлари  
– Хорижий ташкилот Ўзбекистондан ташқарида кўрсатган хизматларга ҚҚС солинадими  
– Шуъба қорхонасида инвестициялар қандай ҳисобга олинади

#### • СОЛИҚЛАР ВА ЙИГИМЛАР

– Солиқ тўловчининг тақвими **4-5-бетлар**

#### • АМАЛИЙ ТАКЛИФ

– Оммавий оферта **9-10-бетлар**

#### • ЖАВОБ БЕРАМИЗ

– Нима учун солиқчилар МЧЖдан аудиторлик ҳулосасини талаб қилишмоқда?  
– КПК орқали реализация қилишда кимлар ЭҲФни расмийлаштирмайди **10-11-бетлар**

#### • АМАЛИЁТЧИ БУХГАЛТЕРНИНГ ФИКРИ

– Электрон ҳужжатлар айланишидаги 4 жиҳат **12-13-бетлар**

#### • НОРМАТИВ ЛОЙИҲА

– Фаолиятни бошлаш ва тугатиш тўғ-

рисида хабардор қилишни унификациялаш режалаштирилмоқда **13-бет**

#### • БОЖХОНА

– Рақамли божхона – ташқи савдода шаффофлик гарови  
– Қонунбузарни «икки кўзли» сканер аниқлайди  
– Пакилдоқ билан дори – бўлди бош оғриги  
– Тадбиркорлар ҳузурда  
– Интенсив кўчатлар – экспортга  
– Байрамлар яқин. Лекин кайфиятти туширманг!  
**14-16-бетлар**

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка ҳақли, лекин қонун ҳужжатларида белгиланганда ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиги мумкин.

«СБХ» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davly nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.



## КИМЛАР ЭХФ ТАҚДИМ ЭТМАСЛИККА ҲАҚЛИ

**?** Ҳозир барча ҳисобварақ-фактуралар тўлов корхонанинг ҳисобрақамидан ёки корпоратив картадан ўтказилганлигидан қатъи назар, электрон тарзда тақдим этилиши лозим. Бироқ ЎЗР ТХБ (биржа битимлари, йиғимлари ва воситачилик хизматлари), сугурта компаниялари (ОСГОР, ОСАГО ва ҳ.к.), ДЙХХХ (жарималар, автомобиль тонировкаси учун тўлов) каби бир қатор ташкилотлар томонидан юридик шахсларга ҳисобварақ-фактура тақдим этилмайди. Ташкилотлар ҳисобварақ-фактурани тақдим этмаслиги мумкинми?

– Товарларни (хизматларни) реализация қилишда юридик шахслар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудда доимий муассаса орқали фаолият кўрсатаётган норезидент юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар ушбу товарларни (хизматларни) сотиб олувчиларга ҳисобварақ-фактурани тақдим этиши шарт.

Ҳисобварақ-фактура куйидаги ҳолларда тақдим этилиши шарт эмас:

- сотилган товарлар (хизматлар) учун тўловлар нақд пулда ёки жисмоний шахсларнинг пластик карталари орқали амалга оширилганда назорат-касса техникаси ёки виртуал касса чеки тақдим этилганда;

- хўжалик юритувчи субъект томонидан аҳоли билан пуллик ҳисоб-китобларни амалга оширишда расмийлаштирилмаган, қатъий ҳисобот берилмаган бланкалар ҳисобланадиган шакл бўйича қвтанциялар тақдим этилганда. Қвтанциялар солиқ органларида рўйхатдан ўтказилган ҳолда фақат НКМни таъмирлашга топширилганда ёки савдо шахобчасида (хизмат кўрсатиш жойида) электр энергияси вақтинча мавжуд бўлмаган ҳолларда қўлланилади;

- товарлар экспорти бўйича БЮД расмийлаштирилганда;

- банк операциялари миқдорнинг шахсий ҳисобварағидан кўчирма ҳужжат бериш билан расмийлаштирилганда;

- товарлар текинга оммавий тарқатилганда;

- ҳар қандай транспорт воситаси орқали йўловчиларни ташинишда йўл чипталари (шу жумладан, электрон) расмийлаштирилганда;

- кўрсатилган коммунал хизматлар, алоқа хизматлари учун банк орқали бухгалтерия ҳисоб-

бини юритишда асос бўлиб хизмат қилувчи бирламчи ҳужжатлар қўллаган ҳолда тўловлар амалга оширилганда (Низомнинг 3-банди, ВМнинг 14.08.2020 йилда 489-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарорига 2-илова).

Товарлар (хизматлар) КПК орқали тўловни қабул қилган ҳолда реализация қилинганда ҳисобварақ-фактура **сотиб олувчининг (харидорнинг) талабига кўра** товарлар (хизматлар) реализация қилинган календарь ойнинг охиригача санасига қадар улар амалда реализация қилинган сана билан расмийлаштирилиши шарт (Низомнинг 5-банди).

Ушбу Низомнинг 3-бандига мувофиқ товарлар (хизматлар) ҳисобварақ-фактура тақдим этмаган ҳолда реализация қилинганда, етказиб берувчи ҳар календарь ой якуни билан бир марта умумлаштирилган ҳолда бир томонлама электрон ҳисобварақ-фактурани шакллантиради. Товарлар экспорти бўйича БЮД расмийлаштирилган ҳолатлар бундан мустасно. Сотиб олувчининг талабига асосан тақдим этилган ЭХФ киймати умумлаштирилган ҳолда бир томонлама шакллантириладиган ЭХФ кийматига киритилмайди (Низомнинг 59-банди).

**Қолган барча ҳолатларда товарлар (хизматлар) реализация қилинганда, етказиб берувчилар томонидан ЭХФни тақдим этилиши шарт.**

Товарлар (хизматлар) реализация қилинганда ЭХФ тақдим этилади (СК 47-м. 1-қ.). ЙҲҚни бузганлик учун жарималар товарлар ёки хизматларни реализация қилиш ҳисобланмайди, шу боис уларга ЭХФ тақдим этилмайди.

Азизахон ТОШХҲЖАЕВА,  
«Norma» МЧЖ эксперти.

## АЙЛАНМАДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ ҚАЧОН ТЎЛАНАДИ

Товарларни импорт қилувчи корхоналар айланмадан олинадиган солиқни тўлаш ҳуқуқига эга эмас (СК 461-м. 2-қ. 1-б.). Бироқ корхона, импорт шартномасини тузган ҳолда, барибир ушбу ҳуқуқни сақлаб қоладиган ҳолатлар мавжуд. Бу ҳақда *buxgalter.uz* илтимосига биноан «Norma» компанияси эксперти Дилором САИДОВА гапириб бери:

– Айланмадан олинадиган солиқ тўловчиси ҚҚСни ва фойда солиғини тўлашга ўтиши шарт бўлган ва у айланмадан олинадиган солиқни тўлашда давом этиши мумкин бўлган иккала вариантни ҳам кўриб чиқамиз.

**1-ВАЗИЯТ: корхона ўз эҳтиёжлари учун (ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун, олиб сотиш учун ва ҳ.к.) товарларни импорт қилди**

Айланмадан олинадиган солиқ тўловчиси бўлган корхона 15 октябрда чет эллик ҳамкор билан телевизорлар сотиб олиш учун шартнома тузди. Мақсад – қайта сотиш.

Мазкур ҳолатда корхона импорт

қилувчига айланади. Товарга бўлган мулк ҳуқуқи шартнома шартларига биноан унга ўтади. Шу боис корхона импорт шартномаси тузилган ойдан кейинги ойнинг 1 санасидан бошлаб, яъни 2020 йилнинг 1 ноябрдан бошлаб ҚҚС тўловчиси сифатида ҳисобга туриши шарт (27.06.2019 йилдаги ПФ-5755-сон Фармоннинг 2-банди «б» кичик банди).

Товарларни реализация қилиш чоғида корхона реализация қилинган товарнинг барча суммасига ҳисобварақ-фактура тақдим этади. У ҳисобварақ-фактурада ҚҚСни кўрсатади, агар реализация қилиш пайтида ҚҚС тўловчиси ҳисобланса.



Божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган ҳар қандай кўчар мол-мулк товар дейилади (БК 13-м.). Бунда бу қайта сотиш учун товар ёки корхона ўз эҳтиёжи учун фойдаланадиган мол-мулк бўлишининг аҳамияти йўқ.



Агар 2020 йилда импорт туфайли ҚҚСни тўлашга ўтган корхонанинг даромади 2020 йил якунига кўра 1 млрд сўм миқдоридан чегарадан ошмаган бўлса, у 2021 йилдан бошлаб айланмадан олинадиган солиқни тўлашга қайтиши мумкин (СК 462-м. 2-қ.). У бу ҳақда солиқ органи янги йил бошланишига қадар 10 кундан кечиктирмай (21 декабрдан кечиктирмай) хабардор қилиши керак.

**2-ВАЗИЯТ: корхона-воситачи товарларни импорт қилади**

Корхона Ўзбекистон резиденти бўлган корхона билан импорт ускунасини етказиб бериш учун воситачилик шартномасини тузди. Шартномага асосан барча ҳисоб-китобларни воситачи амалга оширади, шу жумладан – юкни бож-

хонадан чиқариш учун тўловни амалга оширади. Комитент воситачи тегишли ҳисоботни тақдим этгандан кейин қилинган харажатларни қоплайди.

Мазкур ҳолда БЮДнинг 8-устунида юк олувчи воситачи, импорт қилувчи эса – комитент эканлиги кўрсатилди.



Божхона кодекси божхона тўловларининг бошқа шахс (импорт қилувчи бўлмаган) томонидан тўланишини тақиқламайди. Ҳар қандай манфаатдор шахс бошқа шахс учун божхона тўловларини тўлашга ҳақли (БК 295-м.).

Агар корхона-комитент айланмадан олинадиган солиқни тўлаган бўлса, у импорт шартномаси тузилган ойдан кейинги ойнинг 1 санасидан бошлаб ҚҚС тўловчиси сифатида ҳисобга туриши шарт. Воситачи мазкур ҳолда воситачилик хизматлари кўрсатади. У импорт қилувчи

ҳисобланмайди ва айланмадан олинадиган солиқ тўловчи деб эътироф этиш учун мезонларга тўғри келган тақдирда айланмадан олинадиган солиқни тўлашда давом этиши мумкин. Солиқ воситачилик ҳақи суммасидан 25% ставка бўйича ҳисобланади (СК 463-м. 2-қ., 467-м. 5-б.).



Воситачилик ташкилотлари учун жаъми даромаддан келиб чиққан ҳолда айланмадан олинадиган солиқни тўлаш имкониятини аниқлашда воситачилик ҳақи эмас, балки битимнинг барча суммаси ҳисобга олинади (СК 462-м. 11-б.).

Агар йил бошидан воситачилик битимлари суммаси 1 млрд сўмдан ошса, воситачи ҚҚСни ва фойда солиғини тўлашга ҳам ўтиши керак (СК 461-м. 1-қ.).

Воситачи (Низомнинг 4-боби, 14.08.2020 йилдаги 489-сон ВМҚга 2-илова):

- товарни комитентга беришда БЮДдан кўрсаткичларни ақс эттирган ҳолда ҳисобварақ-фактура тақдим этади. «Етказиб берувчи» сатрида қўшимча равишда «Воситачи» сўзи кўрсатилади;

- воситачилик шартномаси бажарилгандан кейин комитентга ўзининг ҳақи суммасига алоҳида ҳисобварақ-факту-

ра ва бажарилган ишлар далолатномасини тақдим этади;

- ҳисобварақ-фактурада ҚҚСни кўрсатади, агар хизматлар кўрсатишини тасдиқлаш санасида (ҳисобварақ-фактура санасида) ҚҚС тўловчи ҳисобланса;


- товар сотиб олинган ой туагандан кейин 5 кун ичида битим тўғрисида маълумотлар билан ҳисобот тақдим этади ва унга улар асосида комитент воситачилик шартномасида назарда тутилган харажатларни унга қоплай олиши учун барча тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилади.

# СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ ТАҚВИМИ

ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН

## 2020 ЙИЛ ДЕКАБРЬ

Д	С	Ч	П	Ш	Ж	Я
	1	2	3	4	5	6
7	8	9	10	11	12	13
14	15	16	17	18	19	20
21	22	23	24	25	26	27
28	29	30	31			



### 5 ДЕКАБРЬ\*\*\*\*

2020 йил ноябрь ойида банклар томонидан Ўзбекистон Республикасининг порезидентларига тўланган даромадлар (дивидендлар ва фоизлар тўловидан ташқари) бўйича фойда солигини бюджетга ўтказишнинг сўнгги куни  
(СК 355-м. 2-қ. 1-б.)

2020 йилнинг ноябрь ойида натура шаклида тўланган даромадлардан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигини тўлашнинг сўнгги куни  
(СК 390-м. 2-қ.)

### 9 ДЕКАБРЬ

2020 йил декабрь ойи учун айланмадан солиқ тўловчи бўлмаганлар жумласига кирадиган солиқ тўловчилар томонидан қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун ер солиги бўйича бўнак тўловларини йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми миқдорида тўлашнинг сўнгги куни\*  
(СК 432-м. 1-қ.)

### 10 ДЕКАБРЬ

2020 йил ноябрь ойи учун Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси томонидан ўзи ва инвестиция воситачилари томонидан рўйхатга олинган акцияларга доир битимлар тўғрисидаги ахборот тақдим этишнинг сўнгги куни  
(СК 133-м. 12-қ.)

2020 йилнинг ноябрь ойи учун акциз солиги бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва тўловни тўлашнинг сўнгги куни  
(СК 292, 293-м.)

мол-мулк солиги бўйича бўнак тўловларини айланмадан олинадиган солиқни тўловчилар ҳисобланмайдиган солиқ тўловчилар томонидан 2020 йил декабрь ойи учун йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми миқдорида, шунингдек айланмадан олинадиган солиқни тўловчилар томонидан 2020 йилнинг IV чораги учун йиллик солиқ суммасининг 1/4 қисми миқдорида тўлашнинг сўнгги куни  
(СК 417-м. 6-қ.)

### 14 ДЕКАБРЬ

2020 йил ноябрь ойи учун ШЖБПХ реестрларини тақдим этиш ва бадалларни тўлашнинг сўнгги куни

*(Халқ банки томонидан фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олишни юриш тартиби тўғрисидаги низомининг 16-банди, ВМнинг 21.12.2004 йилдаги 595-сон қарорига 1-илова)*

### 15 ДЕКАБРЬ

2020 йил ноябрь ойи учун ЖШДС ва ижтимоий солиқ бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқларни тўлашнинг сўнгги куни  
(СК 389-м. 1-қ. 2-б.; 390-м.; 407-м. 4 ва 5-қ.)

2020 йил декабрь ойи учун солиқ тўловчилар томонидан қатъий миқдорда белгиланган ЖШДСни тўлашнинг сўнгги куни. Бундай солиқ тўловчилар қатъий белгиланган миқдорда ЖШДСни тўлашни улар тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган ёки яқса тартибдаги тадбиркор ёхуд онлавий тадбиркорлик субъекти билан меҳнат шартномаси тузилган ойдан кейинги ойдан эътиборан амалга оширади  
(СК 392-м. 1 ва 2-қ.)

### 20 ДЕКАБРЬ\*\*\*\*

2020 йил ноябрь ойи учун чет эллик шахслардан олинган товарлар (хизматлар) бўйича ҚҚС ҳисоб-китобини тақдим этишнинг сўнгги куни. Ҳисоб-китоб ортиб борадиган якун билан эмас, балки 2020 йил ноябрь ойи учун кўрсаткичлар асосида тўлдирилади  
(Солиқ кодекси 259-модда, 273-модда, 1, 2-қисмлар)

2020 йил ноябрь ойи учун қўшилган қиймат солиги бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни  
(СК 273-м. 1 ва 2-қ.)

2020 йил ноябрь ойи учун солиқ агентлари томонидан дивидендлар ва фоизлардан олинадиган солиқ суммаси бўйича солиқ ҳисоботи тақдим этишнинг сўнгги куни. Бунда солиқ суммаси дивидендлар ва фоизлар тўланган қунадан кечиктирмай бюджетга тўланади  
(СК 345-м. 5 ва 6-қ.)

### 20 ДЕКАБРЬ

2020 йил ноябрь ойи учун солиқ агентлари томонидан порезидентларнинг даромадларидан олинадиган солиқ суммалари бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этишнинг сўнгги куни. Бунда солиқ суммаси порезидентга даромадлар тўланган қунининг кейинги қунидан кечиктирмай бюджетга тўланади  
(СК 355-м. 1 ва 2-қ.)

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича бўнак тўловларини\*\*;

2020 йил ноябрь ойи учун солиқ даврида солиқ суммаси БХМнинг 200 бараваридан кўпроқни ташкил этадиган айланмадан олинадиган солиқни тўламайдиган юридик шахслар томонидан йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми миқдорида тўлашнинг сўнгги куни;

2020 йилнинг IV чораги учун солиқ даврида солиқ суммаси БХМнинг 200 бараваридан камроқни ташкил этадиган, айланмадан олинадиган солиқни тўловчилар бўлмаган юридик шахслар, шунингдек айланмадан олинадиган солиқни тўловчилар ва яқса тартибдаги тадбиркорлар томонидан йиллик солиқ суммасининг 1/4 қисми миқдорида тўлашнинг сўнгги куни  
(СК 448-м. 1, 3 ва 7-қ.)

2020 йил ноябрь ойи учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни  
(СК 454-м. 3 ва 4-қ.)

### 23 ДЕКАБРЬ

2020 йил декабрь ойи учун жами даромади жорий солиқ давридан олдинги солиқ даври учун киритилган тузатишлар ҳисобга олинган ҳолда 5 млрд сўмдан ошадиган солиқ тўловчилар томонидан фойда солиги бўйича ойлик бўнак тўловларини тўлашнинг сўнгги куни\*\*\*  
(СК 340-м. 2, 7, 8-қ.)

*Маълумот учун! Президентнинг 3.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон Фармони билан 15-бандига мувофиқ бундай солиқ тўловчилар 2020 йил II чоракдан бошлаб ўтган чоракдаги натижалар бўйича ҳисоблаб чиқариш талаби бекор қилинган ҳолда мўлжалланаётган ҳажмдан келиб чиқиб, Фойда солиги бўйича бўнак тўловлари суммаси тўғрисидаги маълумотномани тақдим этишига ҳақли.*

### 25 ДЕКАБРЬ

2020 йилнинг ноябрь ойи учун меҳнатда шикастланиш ёки касб касалликлари оқибатида тайинланган пенсиялар тўлови бўйича харажатларни қоплаш учун маблағларни тўлашнинг сўнгги куни

*(Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўлашишни ҳамда ташкилотлар томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар учун харажатлар амалга оширилиши тартиби тўғрисидаги низомининг 17-банди, АВ рўйхат рақами 2836, 3.11.2016 й.)*

**Эътибор берин!** Коронавирус пандемияси даврида тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида солиқ имтиёзлари тақдим этилган. Улар Президентнинг қўйидаги фармонларида акс эттирилган:

19.03.2020 йилдаги ПФ-5969-сон;  
3.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон;  
27.04.2020 йилдаги ПФ-5986-сон;

18.05.2020 йилдаги ПФ-5996-сон;  
28.05.2020 йилдаги ПФ-6002-сон;  
20.07.2020 йилдаги ПФ-6029-сон.

Президентнинг ПФ-6029-сон Фармонида мувофиқ:

2020 йил 1 июлдан 2020 йил 31 декабрга қадар:

- умумий овқатланиш корхоналари ва биноларни ижарага беришга ихтисослашган корхоналардан айланмадан олинган солиқни тўлашдан озод этилади;
- жисмоний шахслар кўчмас мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар бўйича жисмоний шахслардан олинган даромад солиги тўлашдан озод этилади;

- мол-мулкни (бинолар ва автомобиль транспорти) ижарага берувчи жисмоний шахсларга солиқ мақсадида ижара тўловларининг энг кам ставкаларини қўллаш тартиби тўхтатиб турилади;

- ижарага берувчиларга 2020 йил учун ижара тўлови миқдорини пайасириши мақсадида, шу жумладан тақдим этилаётган солиқ имтиёзларини инobatга олган ҳолда ижара тўловини қайта кўриб чиқиш тавсия этилади;

- 2020 йил 1 апрелдан 2020 йил 31 декабрга қадар умумий овқатланиш корхоналари алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғилми тўлашдан озод қилинади;

- Президентнинг ПФ-5969-сон Фармонида белгиланган алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналарнинг ажратмалари миқдорини 5%дан 3%га пайасиришига доир имтиёз мuddати 2020 йил 31 декабрга қадар узайтирилади;

- 2020 йилда ДСҚ томонидан белгиланган ҳолларда, солиқ тўловчиларга солиқ ҳисоботларини тақдим этиш мuddатларини 5 кундан кўп бўлмаган мuddатга кечиктирилганлик учун жарима солинмайди;

- ПФ-5996-сон Фармонда белгиланган қўйидаги солиқ имтиёзлари ва преференциялари 2020 йил 31 декабрга қадар узайтирилган:

1) мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлашдан озод қилиш бўйича берилган имтиёзлар:

- кичик тадбиркорлик субъектлари;

- бозорлар ва савдо комплекслари, кинотеатрлар, умумий овқатланиш корхоналари, жамоат транспорти корхоналари, спорт-соғломлаштириш муассасалари, шунингдек, ўйловчи ташиш, маийий хизматлар кўрсатиши, биноларни, шу жумладан банкетлар ўтказиши учун ижарага бериш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар учун;

2) ижтимоий солиқ ставкасини 12%дан 1%га пайасириши бўйича микрофирма ва кичик корхоналар учун берилган имтиёзлар (акцизостии маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар, давлат корхоналари ва устас жамғармасида (устас капиталида) давлат улғиши 50% ва ундан юқори бўлган юридик шахслар бундан мустасно). Белгиланишича, умумий овқатланиш корхоналари томонидан хойимлар сонидан қатъи назар, ижтимоий солиқнинг пайасирилган ставкаси қўлланилади;

3) божхона органларига мурожаат қилган кунгача бир йилдан кам бўлмаган мuddат доамидида ташиқ иқтисодий фаолиятни амалга ошираётган микрофирма ва кичик корхоналарга, кейинчалик кечиктирилган сумми 120 кун мобайнида тенг улғишларда тўлаш шарти билан, товарларни (истеъмол товарларидан ташиқари) олиб киришида ундириладиган божхона божси ва акциз солиғини тўлаш мuddатини кечиктириши тақдим этиши;

4) микрофирма ва кичик корхоналарда 2020 йил 15 май ҳолатига солиқлар, пенялар ва солиқ қонунчилигини бузганлик учун ҳисобланган жарималар бўйича мавжуд бўлган қарздорликни ундириши тўхтатиши;

- Ўзбекистон «Маҳалла» хайри жамоат фондига, «Саховат ва кўмак» фондига, «Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фондига, шу жумладан уларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлардаги бўлинмаларига бегараз ёрдам бериши (бегараз ёрдам олиши) қисмида фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, айланмадан олинган солиқ ва жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи бўйича имтиёзларнинг амал қилиши 2020 йил 31 декабрга қадар узайтирилган;

- 14 ёшгача болалар бўлган оилаларга нафақа, шунингдек, бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича оналарга бериладиган нафақалар жисмоний шахслардан олинган даромад солиғини ҳисоблашда жами даромадга киритилмайди.

\*Айланмадан олинган солиқни тўловчилар томонидан қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун ер солиғи йиллик солиқ суммасининг 1/4 қисми миқдориди йилнинг ҳар чорағи биринчи ойининг 10-кунидан кечиктирмай тўланади.

\*\*Қишлоқ хўжалиги корхоналари, Ўзбекистон Республикасида фаолиятини доимий муассасалар орқали амалга ошираётган ЎЗР норезидентлари бўлган юридик шахслар, шунингдек солиқ давридан кейинги йилнинг 1 майгача солиқни тўлайдиган деҳқон хўжаликлари бундан мустасно.

\*\*\*Солиқ кодексининг 340-моддаси 3-б қисмларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган ҳар ойлик бўнак тўловнинг суммаси манфий ёки нолга тенг бўлса, кўрсатилган тўловлар тегишли чоракда амалга оширилмайди.

Солиқ тўловчилар, шу жумладан янгидан ташиқ этилган, жами даромади жорий ҳисобот даври мобайнида 5 млрд сўмдан ошган солиқ тўловчилар ҳар ойлик бўнак тўловларини бундай олиб кетиши содир бўлган тўлиқ чорак ўтганидан кейин тўлайди.

\*\*\*\*Мuddатнинг сўнги кунни дам олиши (ишланмайдиган) кунига тўғри келиб қолса, мuddатнинг тугаши кунни бўлиб ундан кейин келувчи биринчи иш кунни ҳисобланади.

Солиқ тўловчининг тақвими – «Солиқ ва божхона хабарлари» газетаси ва «Ноғма» МЧЖ экспертларининг муаллифлик ишланмасидир. Унинг бошқа ОАВларда қайтадан чоп этилиши ва электрон маълумотлар базаларида жойлаштирилишига «Ноғма» МЧЖ билан тузилган шартнома асосидагина йўл қўйилади.

## 2020 ЙИЛДА 2019 ЙИЛГИ ҚҚС УЧУН ҚОПЛАМА ОЛИШ МУМКИНИМИ?

**Корхона 2019 йил учун ҚҚС қопламасини олмоқчи. 2017 йилдан бошлаб айни пайтга қадар у ўз фабрикасини қурмоқда, шу вақт учун реализация бўйича айланмалар бўлмади.**

**Қайси мuddат мобайнида ариза бериш мумкин?**

**Агар корхона йил бошидан бошлаб ҚҚС тўловчиси бўлмаса, қайси давр учун ҚҚСни қайтариш мумкин?**

– Қайтариш тўғрисидаги ариза билан солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш мuddати мобайнида мурожаат қилиш мумкин. Даъво қилиш мuddати эса натижалари бўйича солиқ мажбурияти белгиланган солиқ даври тугагандан кейин 5 йилни тапшиқ этади. Даъво қилиш мuddатини аниқлашда СКнинг 88-моддасида белгиланган ҳисоблаб чиқариш қоидасини ҳам инobatга олиш зарур. Ариза солиқ тўловчининг шахсий кабинетда электрон шаклда расмийлаштирилади.

Ариза берувчининг корхонасида камерал текширув ўтказилади (Низом 4-боби, ВМнинг 14.08.2020 йилдаги 489-сон қарорига 1-илова). Бундан ҚҚСни қайтариш тўғрисидаги аризада кўрсатилган солиқ даври учун илгари солиқ аудити ўтказилган, шунингдек қайтаришнинг тезлаштирилган тартиби қўлланилган ҳоллар мустасно.

Агар камерал текширув натижаларига кўра солиқ органлари қайтарилиши баён этилган солиқ суммаси ўрнини тўлиқ ёки қисман қоплаш тўғрисида қарор қабул қилса, ҚҚСни қайтариш ариза берилган санадан эътиборан 60 кундан кечиктирмай амалга оширилади.

Тезлаштирилган тартибда қайтаришда – ариза берилган санадан эътиборан 7 кун ичида қайтарилади. Бундай тартиб қўйидаги тоифадаги солиқ тўловчиларга нисбатан қўлланилади:

1) Ўзбекистоннинг йирик солиқ тўловчилар тоифасига белгиланган тартибда киритилган юридик шахсларига;

2) солиқни қоплашга доир ариза билан бирга амалдаги банк кафолатини тақдим этган ёки солиқ органлари билан қаров шартномасини Солиқ кодексининг 107 ёки 109-моддаларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган солиқ тўловчиларга;

3) экспорт ва унга тенглаштирилган операцияларни амалга оширадиган шахсларга – агар илгари бу шахсларга солиқ суммаси қопланган ва бунда қонунбузарликлар аниқланмаган бўлса, ноль даражали солиқ ставкаси қўлланилиши натижасида ҳосил бўлган солиқнинг олиб кетган суммалари қисмида;

4) чет эл дипломатик ваколатхоналарига ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарига;

5) маҳсулот тақсимотида оид битим иштирокчиларига агар бундай битимда ноль даражали ставка қўлланилиши назарда тутилган бўлса;

6) солиқ мониторинги иштирокчиларига (СК 274-м. 4-қ.; Низом 7-б.).

2019 йилда шундай тартиб амал қилганки, унга мувофиқ умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтилганда, шу жумладан – белгиланган

йиллик айланманинг (олинган тушумининг) энг кўп миқдоридан ошган ва (ёки) ҚҚСни ихтиёрий тўлашга ўтилган тақдирда, юридик шахс ТМЗнинг қолдиқлари ва узоқ мuddатли активлар бўйича ўтилган пайтдан эътиборан солиқ суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга бўлган. Тадбиркорлик фаолияти доирасида фойдаланиладиган кўчмас мулк барпо этилганда, ҚҚС суммаси 36 календарь ой давомида тенг улғишларда ҳисобга олинган. Бунда солиқ тўловчига ҳисобга олиш ҳуқуқи фақат объект фойдаланишга топширилган пайтдан эътиборан пайдо бўлган (2007 йилги таҳрирдаги СК 218-м.).

2020 йилдан бошлаб узоқ мuddатли активлар бўйича ҚҚСни ҳисобга олиш тартиби ўзгарди. Кўчмас мулк объектлари, шу жумладан – қурилиш тугалланмаган объектлар сотиб олинганда, шунингдек келгусида ўз асосий восталари сифатида фойдаланиш учун мўлжалланган активларни яратиш учун товарлар (хизматлар) сотиб олинганда сотувчи томонидан солиқ тўловчига тақдим этилган солиқ суммасини ҳисобга олиш тўлиқ ҳажмда амалга оширилади (СК 266-м. 3-қ.).

Бу шуни аниқладики, ҚҚС тўловчилари кўчмас мол-мулк бўйича солиқни тўлиқ ҳажмда – 36 ойга бўлмақдан ҳисобга олишга ҳақли. Бунда узоқ мuddатли активлар бўйича ҳисобга олинган ва 2020 йил 1 январь ҳолатига 4410-«Солиқлар ва бюджетта бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)» счёти дебети ҳисобда турган ҚҚС суммаси, 2020 йил январда 6410-«Бюджетта тўловлар бўйича қарздорлик (турлари бўйича)» счёти дебетида тўлиқ ҳисобга олинади. Мазкур норма фақат 2019 йилда сотиб олинган узоқ мuddатли активларга нисбатан қўлланилади, сабаби улар бўйича ҚҚСни ҳисобга олиш ҳуқуқи 2019 йил 1 январдан тақдим этилган (30.12.2019 йилдаги МВнинг 06/04-01-32/3953-сон ва ДСҚнинг 12-37999-сон қўша ахборот хати Ш бўлим 1.10-б.).

Корхонада реализация бўйича айланмалар бўлмаганлиги боис, 2019 йилдан бошлаб «ҚҚСнинг салбий суммаси» – ҳисобга олингандан солиқ суммасининг реализация бўйича айланмалар бўйича ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасидан олиши юз берди. Корхона кўрсатилган суммани СКнинг 274-моддасида, шунингдек Қўшилган қиймат солиғи суммаси ўрнини қоплаш тартиби тўғрисида низомда белгиланган тартибда қайтариш ҳуқуқига эга.

Саволларга ДСҚ ҚҚС маъмуричилиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари **Фурқат ҚўШЧОНОВ** жавоб бериди.

## ДАРОМАДЛАРНИ ТАСНИФЛАШ ВА ЖШДС

Муайян ҳолатларда жисмоний шахслар даромадларининг айрим турлари «даромад» ёки «даромад эмас» деб эътироф этилиши мумкин. Бу уларни СК бўйича таснифлаш, шунингдек бошланғич ҳужжатларни тўғри расмийлаштиришга боғлиқ. Уларни қандай чегаралаш ва уларга ЖШДС солиниши ёки солинмаслигини аниқлашни «Norgma» компанияси эксперти Дилором САИДОВА тушунтирди:

– Жисмоний шахс солиқ базасига киритилмайдиган даромадларни олиши мумкин. Уларнинг рўйхати СКнинг 369-моддаси 1-қисмида келтирилган. Мисол учун:

- бир йўла бериладиган давлат пул мукофоти;
- олинган алиментлар;
- донорлик учун пул мукофотлари;
- конун ҳужжатларида белгиладиган тартибда ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида олинган даромадлар.

Шунингдек, корхона жисмоний шахс фойдасига харажатлар қилиши мумкин, бироқ уларнинг баъзилари жисмоний шахснинг даромади бўлмайдиган. Бундай тўловларнинг рўйхати СКнинг 369-моддаси 2-қисмида келтирилган. Мисол учун:

- меҳнат шартномалари ноқулай бўлган ишларда банд бўлган ходимларни конун ҳужжатларида белгилаган тартибда сут, даволаш-профилактика озик-овқати, газланган шўр сув, шахсий химоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш бўйича харажатлари;
- фавқулодда ҳолатлар муносабати билан етказилган зарарлар суммаси доирасида бериладиган моддий ёрдам суммалари;
- ходим бошқа жойга ишга ўтказилганда ёхуд кўчиб борганда кўчиш, мол-мулкни кўчириб бориш, жой ижараси (йўл харажатлари учун берилган пул) билан боғлиқ харажатларни тўлаш ёки бу харажатларнинг ўрнини қоплаш ва ҳ.к.

Бироқ амалиётда кўп нарса ҳужжатларни тўғри расмийлаштиришга ҳам боғлиқ.

Масалан, ходим хизмат сафари ҳақини олди. Агар хизмат сафари бўйича барча ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилган ва тўловлар конунчиликда белгилаган нормалар доирасида амалга оширилган бўлса, улар ходимнинг даромади деб эътироф этилмайди (СК 369-м. 2-қ. 8-б.). Агарда расмийлаштиришда камчиликлар бўлса, тўловларнинг ўзи эса нотўғри ёки белгилаган нормалардан ортқича амалга оширилган бўлса, ходим ЖШДС тўлашига тўғри келади (СК 373-м. 9, 13-б.).

Амалиётдан бир неча вазиятларни кўриб чиқамиз.

**1-ВАЗИЯТ.**  
*Ходим хизмат сафаридан кейин бухгалтерияга йўл ҳужжатларини топширмади. Унга қопланадиган транспорт харажатларига ЖШДС солиш зарурми?*

– Хизмат сафари жойига бориш ва ундан қайтиб келиш бўйича харажатлар ходимга барча транспорт турлари йўл ҳақи қиймати миқдоридан қопланади, такси бундан мустасно. Агар йўл ҳужжатлари бўлмаса ёки ходим такси хизматидан фойдаланган бўлса, корхона раҳбари бундай йўл ҳақи учун тўловни амалга ошириш масаласини ўз ихтиёрига кўра ҳал қилишга ҳақли бўлади. Бунда қопланадиган сумма хизмат сафари жойига темир йўл транспортидаги йўл ҳақи қийматидан ва йўловчиларни авиаташиш тарифининг 30%идан ошмаслиги керак. Ушбу суммалар доирасида қоплашга ЖШДС солинмайди (СК 369-м. 2-қ. 8-б.). Бундан ортқича барча суммалар ходим учун компенсация тўловлари ҳисобланади, ЖШДС солинади (СК 373-м. 13-б.).

### 1-ВАЗИЯТ.

*Ходим хизмат сафаридан кейин бухгалтерияга йўл ҳужжатларини топширмади. Унга қопланадиган транспорт харажатларига ЖШДС солиш зарурми?*

– Хизмат сафари жойига бориш ва ундан қайтиб келиш бўйича харажатлар ходимга барча транспорт турлари йўл ҳақи қиймати миқдоридан қопланади, такси бундан мустасно. Агар йўл ҳужжатлари бўлмаса ёки ходим такси хизматидан фойдаланган бўлса, корхона раҳбари бундай йўл ҳақи учун тўловни амалга ошириш масаласини ўз ихтиёрига кўра ҳал қилишга ҳақли бўлади. Бунда қопланадиган сумма хизмат сафари жойига темир йўл транспортидаги йўл ҳақи қийматидан ва йўловчиларни авиаташиш тарифининг 30%идан ошмаслиги керак. Ушбу суммалар доирасида қоплашга ЖШДС солинмайди (СК 369-м. 2-қ. 8-б.). Бундан ортқича барча суммалар ходим учун компенсация тўловлари ҳисобланади, ЖШДС солинади (СК 373-м. 13-б.).

### 2-ВАЗИЯТ.

*Ходим корхонадан мол-мулкни мулк қилиб олди. Ходимга қандай солиқ оқибатлари юзага келади?*

– Бундай вазиятда олинган мол-мулк ходим учун қандай даромад тури ҳисобланишини аниқлаш зарур. Бу муҳим, сабаби жами даромаднинг турли ташкил этувчиларига турлича солиқлар солинади:

- меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга – ЖШДС ва ижтимоий солиқ;
- моддий наф тарзидаги, мулкий ва бошқа даромадларга – фақат ЖШДС.

### 3-ВАЗИЯТ.

*Корхона ходимга хизмат қатновлари учун фойдаланиладиган йўл карточкасини берди.*

– Мазкур ҳолда йўл карточкаси қиймати унинг учун даромад ҳисобланмайди (СК 369-м. 2-қ. 5-б.). Бинобарин, ЖШДС ва ижтимоий солиқ бўйича мажбуриятлар юзага келмайди.



*Хизмат қатновлари учун фойдаланиладиган йўл карточкасини беришни, қандай қатновлар учун ундан фойдаланилишини кўрсатган ҳолда раҳбарнинг буйруғини расмийлаштириши зарур. Ойнинг охирида фойдаланилган карточкани бухгалтерияга топшириши зарур. Акс ҳолда солиқ органлари йўл карточкасини беришни компенсация тўлови деб эътироф этиши (СК 373-м. 13-б.), қўшимча ЖШДС ва ижтимоий солиқ ҳисоблаши хавфи мавжуд.*

### 4-ВАЗИЯТ.

*Корхона штатдаги ходим учун авиабилетга солиқ олди ва меҳмонхонада яшаши учун тўловни амалга оширди.*

– Хизмат сафарига юборилган штатдаги ходим учун авиабилетга ва яшаши учун харажатлар белгилаган нормалар доирасида унинг харажатлари ҳисобланмайди (СК 369-м. 2-қ. 8-б.; Низом, АВ рўйхат рақами 2730, 19.11.2015 й.; Йўриқнома, АВ рўйхат рақами 1268, 29.08.2003 й.).

### 5-ВАЗИЯТ.

*Корхона жисмоний шахс билан ФХТ шартнома тўзди ҳамда унинг йўл ва яшаши харажатлари учун тўловни амалга оширди.*

– Жисмоний шахснинг ФХТ шартнома бўйича кўрсатилган хизматлар учун олган ҳақи меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга қиради (СК 371-м. 2-қ.).

Қўшимча тўловлар ФХТ шартномада назарда тутилган бўлса, уларни бажарувчи ҳақининг бир қисми сифатида ҳисоблаш ҳамда ЖШДС, ШЖБПХ ва ижтимоий солиқ солинадиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга киритиш мумкин (СК 371-м. 2-қ.).

Улар ФХТ шартномада назарда тутилмаган бўлса, у ҳолда жисмоний шахснинг ЖШДС солинадиган моддий наф тарзидаги даромади бўлади (СК 376-м. 1-қ. 1-б.).



*Меҳнат шартномалари ва фуқаролик ҳуқуқий тусдаги (топиширик, пудрат ва ҳ.к.) шартномаларни аниқ ажратиб олиши зарур. Баъзан айнан битта даромад тури пудратчиға тўланганда унинг жами даромадиға киритилади, ходимга тўланганда эса – киритилмайди.*

Амалиётда ходим ўзининг асосий ишидан ташқари яна қўшимча иш бажарадиган вазиятлар юзага келади. Мисол учун – таътилга чиққан ходим учун ёки бўш лавозим бўйича тегишли номзод-мутахассисни излаш даврида.

Бундай бир неча ишни бажаришни қандай тўғри расмийлаштириш ва иш ҳақини ҳисоблаб чиқаришни [buxgalter.uz](http://buxgalter.uz) илтимосига биноан «Norgma» компаниясининг меҳнат ҳуқуқи бўйича эксперти Ленера ХИКМАТОВА тушунтирди:

## БИР НЕЧА ЛАВОЗИМДА ИШЛАГАНДА ИШ ҲАҚИ ҚАНДАЙ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ?

– Бир неча касбда (лавозимда) ишлаш тартиби МКнинг 160-моддаси ва Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида низом (ВМнинг 18.10.2012 йилдаги 297-сон қарори билан тасдиқланган) билан тартибга солинади.

Бир неча касбда ва лавозимда ишлаш – бу ходим томонидан ўзининг асосий иши билан бир қаторда айна шу ташкилотда иш вақти давомида бошқа касб ва лавозимдаги қўшимча ишни бажариш.

Ходимга бир неча касбда ва лавозимда ишлашдан ташқари хизмат кўрсатиш зонасини кенгайтириш ёки ишлар ҳажмини кўпайтириш мумкин.

Ходимга юкланадиган қўшимча ишни бажариш муддати ва ҳажми унинг ёзма розилиги бўйича белгиланади.

Касблар ва лавозимларда бир неча касб ва лавозим асосида ишлашга, хизмат кўрсатиш зонасини кенгайтиришга, ишлар ҳажмини кўпайтиришга, қоидага кўра, жумласига ушбу ходим қирадиган ходимларнинг ана шу тоифаси доирасида рухсат этилади.

Касблар ва лавозимларда бир неча касб ва лавозим асосида ишлаганлик, хизмат кўрсатиш зонасини кенгайтирганлик ёки ишлар ҳажмини кўпайтирганлик учун қўшимча ҳақ тўлаш миқдори, агар жамоа шартномасида ёхуд бошқа локал ҳужжатда ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, томонларнинг келишуви бўйича белгиланади.



*Бюджет ташкилотларида бир неча касб ва лавозимда ишлаганлик, хизмат кўрсатиш зонасини кенгайтирганлик, ишлар ҳажмини кўпайтирганлик учун қўшимча ҳақ тўлаш миқдори бир неча касб ва лавозимда ишланаётган лавозим бўйича маошнинг (тариф ставкасининг) 50%идан ортқича бўлиши мумкин эмас.*

### МИСОЛ. Ўзининг асосий лавозими ва бўш лавозимда қўшимча ишни бажарганда иш ҳақи ҳисоб-китоби

Компанияда 2 000 000 сўм маош билан кадрлар бўйича инспектор бўш лавозими мавжуд. Компания ушбу лавозимга ходимни топганича, кадрлар ишини юрйтиш бўйича тегишли вазифалар юрисконсултга (маоши – 3 000 000 сўм) юкланиди. Жамоа шартномаси бир неча лавозимда ишлаганлик учун вазифалари қўшимча равишда бажарилаётган лавозим бўйича маошнинг 30% миқдоридан қўшимча ҳақ тўлашни назарда тутди. Юрисконсултга бир неча лавозимда ишлашни инобатга олган ҳолда иш ҳақини ҳисоблаш:

$$3\,000\,000 + (2\,000\,000 \times 30\%) = 3\,600\,000 \text{ сўм.}$$

### МИСОЛ. Таътилга чиққан ходимнинг лавозимида қўшимча ишлашда иш ҳақи ҳисоб-китоби

3 000 000 сўм маош оладиган бўлим бошлиғи ойнинг 1 санасидан ойнинг якунига қадар таътилга чиқади. Унинг вазифалари 4 000 000 сўм маош оладиган директор ўринбосарига юкланилади. Жамоа шартномаси бир неча лавозимда ишлаганлик учун бир неча лавозимда ишланаётган лавозим бўйича маошнинг 50% миқдоридан қўшимча ҳақ тўлашни назарда тутди. Директор ўринбосарига бир неча лавозимда ишлашни инобатга олган ҳолда иш ҳақини ҳисоблаш:

$$4\,000\,000 + (3\,000\,000 \times 50\%) = 5\,500\,000 \text{ сўм.}$$

# ХОРИЖИЙ ШАХС КЎЧМАС МУЛКНИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛГАНДА СОЛИҚ ОҚИБАТЛАРИ

Жисмоний шахс-норезидент жисмоний шахс – Ўзбекистон резидентига кўчмас мулкни сотса, қандай солиқ оқибатлари юзага келади? Бундай битимга солиқ солишнинг хусусиятларини «Nogma» компанияси эксперт Дилором САИДОВА тушунтирди.

## 1. Кўчмас мулкни Ўзбекистонда сотиш чоғида норезидент ЖШДС тўлаши керакми?

– Ҳа, агар норезидент Ўзбекистондаги манбалардан даромад оласа, солиқ тўловчи деб эътироф этилади. Бунда унинг даромадларига

солиқ солиш тўловлар Ўзбекистоннинг ичкарасида ёки ташқарисида амалга оширилганга боғлиқ эмас (СК 364-м., 400-м. 1-қ.).



Норезидентларнинг даромадларига солиқ солишда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари нормалари ҳисобга олинади (СК 400-м. 2-қ.).

## 2. Норезидент томонидан кўчмас мулкни сотишда бюджетга ким ЖШДС тўлайди?

– ЖШДСни жисмоний шахс-сотиб олувчи тўлайди. У солиқ агентини ҳисобланади ва солиқни ҳисоб-

лаб чиқариши, ушлаб қолиши ва бюджетга тўлаши шарт (СК 386-м. 1-қ. 5-б.).

## 3. Қайси суммадан солиқ ушлаб қолинади?

– Норезидентнинг мол-мулкни реализация қилишдан олган даромади объектни реализация қилиш суммасининг уни хужжатлар билан тасдиқланадиган сотиб олиш қийматидан ошган суммаси сифатида аниқланади.

Сотиб олиш қийматини тасдиқлайдиган хужжатлар мавжуд бўлмаса, солиқ агенти солиқни мол-мулкни реализация қилиш қийматидан келиб чиққан ҳолда ушлаб қолади (СК 356-м. 3-қ.).



Мол-мулк хужжатлар билан тасдиқланадиган сотиб олиш қийматидан наст нархда реализация қилинган тақдирда солиқ тўлаш бўйича мажбурият юзага келмайди.

**МИСОЛ.** Мол-мулк олди-сотди шартномасига асосан сотиб олинган Чет эллик жисмоний шахс 2015 йилда 200 млн сўмга квартира сотиб олди. 2020 йилда уни 450 млн сўмга сотишга қарор қилди. Чет элликда сотиб олишни тасдиқлайдиган хужжатлар мавжуд. Мазкур ҳолда реализациядан олинган даромад 250 млн сўмга (450 – 200) тенг.

## МИСОЛ. Мол-мулк ҳадяга олинди

Чет эллик кўчмас мулкни ҳадяга олди. 2020 йилда уни 450 млн сўмга сотади. Бу ҳолда даромад 450 млн сўмга тенг.

## 4. Норезидентнинг даромадига қандай ставка бўйича солиқ солинади?

– Норезидентнинг мол-мулкни реализация қилишдан олинган дарома-

дига 20% ставка бўйича солиқ солинади (СК 382-м. 3-қ.).

## МИСОЛ. Норезидентнинг мол-мулкни реализация қилишда солиқ ҳисоб-китоби

Чет эллик жисмоний шахс 2015 йилда 200 млн сўмга квартира сотиб олди. 2020 йилда уни 450 млн сўмга сотишга қарор қилди. Чет элликда сотиб олишни тасдиқлайдиган хужжатлар мавжуд.

Норезидентнинг мол-мулкни реализация қилишдан олган даромади 250 млн сўмни ташкил этди. Солиқ суммаси 50 млн сўмни (250 млн сўм х 20%) ташкил этади.

Сотиб олувчи норезидентга солиқ чегирилган ҳолдаги суммани, яъни 400 млн сўмни (450 – 50) ўтказиши керак.



## 5. Норезидент 3 йилдан ортиқ муддат олди сотиб олинган уй-жой кўчмас мулкни сотса, норезидентнинг даромадига нисбатан имтиёз-ни қўллаш мумкинми?

– Йўқ, норезидентларнинг даромадларига нисбатан имтиёзлар қўлланилмайди (СК 366-м. 1-қ. 2-б.).

## 6. Сотиб олувчи норезидентга даромадни тўлаш чоғида солиқни ушлаб қолмади. Қандай оқибатлар юзага келади?

– Бу ҳолда сотиб олувчи (солиқ агенти) ушлаб қолинмаган суммани ва у билан боғлиқ пеняни ўзи бюджетга ўтказиши шарт (СК 386-м. 3-қ.).

## 7. Норезидентнинг мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромадларига солиқ солиш тартиби қандай?

– Алгоритм қуйидагича:

1) қийматини кўрсатган ҳолда кўч-

мас мулк олди-сотди шартномасини тузинг;



Сотиб олувчи ёки сотувчи ишончнома асосида ишонч билдирилган шахсга шартномани имзолаш, олди-сотди битимини расмийлаштириш учун зарур хужжатларни тайёрлаш ва учун ваколат беришлари мумкин.

2) агар норезидентда мол-мулкни сотиб олиш қийматини тасдиқлайдиган хужжатлар мавжуд бўлса, ундан уларнинг нусхаларини олинг;

3) тўланадиган солиқ суммасини ҳисоблаб чиқаринг;

4) кўчмас мулк жойлашган жойдаги солиқ органига норезидентнинг мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромадларига солиқ ҳисоб-китобини тақдим этинг;



Ҳисоб-китобни норезидент даромад оладиган валютада тузинг.

5) солиқ ҳисоботига мол-мулкнинг олди-сотди шартномаси нусхасини ва уни сотиб олиш қийматини тасдиқловчи хужжатларнинг нусхаларини (агар мавжуд бўлса) илова қилинг. Агар мол-мулкни сотиб олиш қиймати ҳисоб-китобни тузиш валютасида ифодаланмаган бўлса, уни ҳисоб-китобни тузиш валютасига мол-мулкни сотиб олиш санасида МБ курси бўйича қайта ҳисоблаш лозим бўлади;

6) солиқ ҳисоботи тақдим этилган санадан эътиборан 10 иш куни давомида солиқ органлари солиқ суммасини кўрсатган ҳолда тўлов хабарномасини ёки норезидент томонидан мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромадга солиқ бўйича қарз

мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома ёзиб беради;

7) солиқни сотиб олинаётган мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини рўйхатдан ўтказгунча (расмийлаштиргунча) тўланг;

8) тўлов тўғрисидаги хужжатни солиқ органига тақдим этинг ва солиқ тўланганлиги тўғрисида маълумотнома олинг. Маълумотномани 1 иш куни давомида олиш мумкин;

9) барча зарур хужжатларни, шу жумладан – солиқ органидан олинган қарз мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномани рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этинг ва мулк ҳуқуқини расмийлаштиринг (СК 356-м.).

**?** Ўзбекистонда доимий муассасага эга бўлмаган хорижий ташкилот Ўзбекистон корхонасига маркетинг ва маслаҳат хизматлари, шунингдек Ўзбекистон ташқарисидида мижозларни излаш бўйича хизматлар кўрсатиши.

Ўзбекистон корхонаси ҚҚС тўлаши зарурми?

## ХОРИЖИЙ ТАШКИЛОТ ЎЗБЕКИСТОНДАН ТАШҚАРИДА КЎРСАТГАН ХИЗМАТЛАРГА ҚҚС СОЛИНАДИМИ

– Хизматларни реализация қилиш жойи Ўзбекистон ҳисобланса, хизматларни реализация қилиш бўйича айланма ҚҚС солиш объекти ҳисобланади (СК 238-м. 1-қ. 1-б.).

Умумий қоидага кўра, башарти хизматларнинг харидори Ўзбекистон ҳудудида фаолиятни амалга оширса ёки турса, Ўзбекистон хизматларни реализация қилиш жойи деб эътироф этилади (СК 241-м.). Айрим хизмат турлари учун реализация қилиш жойи алоҳида қоидалар бўйича аниқланади (СК 241-м. 3-қ. 1–10-б.).

**!** Хизматлар кўрсатиши асосий хизматларни реализация қилишга нисбатан ёрдамчи хусусиятга эга бўлса, бундай реализация қилиш жойи деб асосий хизматлар реализация қилинган жой эътироф этилади (СК 241-м. 5-қ.).

СКнинг 241-моддаси 3-қисми 1–10-бандларида маркетинг хизматлари ҳам, маслаҳат хизматлари ҳам, мижозларни излаш бўйича хизматлар ҳам кўрсатилмаган. Хизматлар харидори – Ўзбекистон резиденти бўлганлиги боис, ушбу хизматларга ҚҚС солинади.

Ўзбекистон корхонаси солиқ агенти сифатида у ҚҚС тўловчиси эканлиги ёки тўловчиси эмаслигидан қатъи назар солиқ суммасини ҳисоблаб чиқариши ва чет эллик шахдан уни ушлаб қолиши ва бюджетга ўтказиши шарт (СК 255-м.).

**!** СКнинг 243–245-моддаларида келтирилган хизматларга ҚҚС солинмайди.

Агар шартнома шартларига мувофиқ хорижий ҳамкор хизматларни ҚҚСсиз кўрсатса, солиқ агенти улар бўйича солиқ базисини солиқни инобатга олмаган ҳолда кўрсатилган хизматлар қийматидан келиб чиқиб аниқлайди. Бу ҳолда солиқ агенти мустақил равишда ҚҚС суммасини ҳисоблаб чиқариши ва уни бюджетга ўтказиши шарт (СК 255-м. 7-қ.).

### МИСОЛ. Норезидентларнинг хизматлари бўйича ҚҚС суммасини аниқлаш

1. Чет эллик шахс томонидан кўрсатилган маркетинг хизматларининг шартнома қиймати – \$11 500, шу жумладан ҚҚС – \$1 500. Ўзбекистон корхонаси хорижий ҳамкорга \$10 000 ўтказиши ва бюджетга ҚҚС – МБ курси бўйича сўмда \$1 500 тўлайди.

2. Чет эллик шахс томонидан кўрсатилган мижозларни излаш бўйича хизматларнинг шартнома қиймати – \$10 000 ҚҚСсиз. Ўзбекистон корхонаси хорижий ҳамкорга \$10 000 ўтказиши ва бюджетга ҚҚСни ўз маблағлари ҳисобидан – МБ курси бўйича сўмда \$1 500 тўлайди.

**!** ҚҚС тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати тўланган солиқ суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқини беради (СК 37-боби). Солиқ агентлари солиқ ҳисоботини тақдим этадилар:

- ҚҚС тўловчилар – ўтган ойдан кейинги ойнинг 20 кунидан кечиктирилмаган муддатда (хорижий юридик шахслардан сотиб олинган товарлар (хизматлар) бўйича алоҳида ҚҚС ҳисоб-китоби) (СК 273-м. 1-қ.);
- ҚҚС тўловчи бўлмаганлар – солиқ тўлаш амалга оширилган ойдан кейинги ойнинг 20 кунидан кечиктирмай (СК 273-м. 4-қ.).

Олег ЦОЙ, «Norma» МЧЖ эксперти.

## ШУЪБА КОРХОНАСИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҚАНДАЙ ҲИСОБГА ОЛИНАДИ

Битта корхона бошқа корхонанинг устав фондида 100% улушга эга. Бундай инвестиция молиявий ҳисоботда қандай ҳисобга олиниши ва акс эттирилишини [buxgalter.uz](http://buxgalter.uz) илтимосига биноан «Norma» компанияси эксперти Олег ЦОЙ тушунтирди:

– Агар битта корхона бошқасини назорат қилса, у мазкур шуъба корхонаси (ШК) учун бош жамият ҳисобланади.

Назорат – ШКнинг молиявий ва ҳўжалик сифёсатини унинг фаолиятидан фойда олиш мақсадида белгилаш ҳуқуқи.

Бундай инвестицияни ҳисобга олишда бош жамият 8-сон БҲМС «Шуъба ҳўжалик жамиятларига сармояларни ҳисобга олиш ва консолидациялашган молиявий ҳисоботлар»га (АВ рўйхат рақами 580, 28.12.1998 й.) амал қилиши керак.

Бош жамият жамланган молиявий ҳисоботларни тақдим этади, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

- унинг ўзи кимнингдир шуъба корхонаси бўлса. Бунда шарт мавжуд: мазкур ШКнинг бош жамияти бундай ҳисобот тузилишини талаб қилмайди ва бунинг учун камчилик улуши эгаларининг розилиги бўлса;
- ўзида фақат қарам жамиятлар мавжуд бўлган ҳоллар.

**!** Бош жамият шуъба корхонасини консолидациялаштирмайди, башарти ШК:

- фақат яқин келажакда сотиш мақсадида харид қилинган ва уни назорат қилиш вақтинча бўлса;
  - бош жамият томонидан белгилаб қўйилган узоқ муддатга мўлжалланган алоҳида шароитда фаолият кўрсатаётган ва бу шароит унинг маблағларни бош жамиятга ўтказиши қобилиятини анча камайтирадиган бўлса. (Масалан, ШК анча кредит маблағларини жалб қилган ҳолда узоқ муддатли лойиҳани амалга оширади. Лойиҳани амалга ошириш даврида бош жамиятнинг қарорига асосан ШК унга дивидендлар тўламайди).
- Бундай шуъба корхоналарини инвестициялар сифатида 12-сон БҲМС «Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш»га мувофиқ ҳисобга олиш (АВ рўйхат рақами 596, 16.01.1999 й.).

### Инвестиция алоҳида ҳисоботда қандай акс эттирилади?

Бош жамиятнинг алоҳида (мустақил) молиявий ҳисоботида қуйидаги усуллардан бири орқали ШКга инвестицияларни акс эттиринг:

- 1) ўз сармоясини ҳисобга олиш усули (улушбай иштироки усули);
- 2) бош жамиятнинг узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олиш бўйича фойдаланиладиган усули.

Агар бош жамият иккинчи усулни танлаган бўлса, у молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш бўйича 12-сон БҲМС қоидаларини қўллашди. Бу ҳолда узоқ муддатли инвестициялар:

- харид қиймати бўйича;
- қайта баҳолаш ҳисобга олинган қиймати бўйича;
- харид қиймати ва бозор қийматининг энг кам баҳоси бўйича (инвестициялар портфели усули) ҳисобга олинади.

Ҳисобга олиш усуллари корхонанинг ҳисоб сифёсатида белгиланг.

### Агар инвестиция чиқиб кетса


Фараз қилайлик, ШК бош жамиятнинг балансида 3 500 млн сўм қиймати бўйича ҳисобда туради. Инвестиция илгари қайта баҳоланмаган.

Бош жамият ШКни мол-мулк мажмуаси сифатида 4 140 млн сўмга сотади, шу жумладан ҚҚС – 540 млн сўм. Инвестициянинг чиқиб кетиши билан боғлиқ харажатлар – 30 млн сўм. Инвестициянинг чиқиб кетишидан олинган молиявий натижа:

$$4\,140 - 540 - 3\,500 - 30 = 70 \text{ млн сўм.}$$

Бухгалтерия ҳисоби:

Ҳўжалик операцияси	Сумма, млн сўм	Дебет	Кредит
Инвестициянинг баланс қиймати ҳисобдан чиқарилди	3 500	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»	0620-«Шуъба ҳўжалик жамиятларига инвестициялар»
Шуъба корхонасини реализация қилиш акс эттирилди	4 140	4010-«Харидорлар ва бюрг-мачилардан олинмаган сўмлар» ёки 4890-«Бошқа дебиторлар қарзлари»	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»
ҚҚС ҳисобланди	540	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»
Бошқа корхоналарга инвестициянинг чиқиб кетишида кўрсатилган хизматлар учун қарз акс эттирилди	30	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»	6990-«Бошқа мажбуриятлар»
Шуъба корхонасини сотишдан олинган фойда акс эттирилди	70	9220-«Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»	9320-«Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда»
Шуъба корхонаси учун тўлов келиб тушди	4 140	9220-«Ҳисоб-китоб сўми»	4010-«Харидорлар ва бюрг-мачилардан олинмаган сўмлар» ёки 4890-«Бошқа дебиторлар қарзлари»





## ДИККАТ, ОБУНА!

«Norma Davriy Nashrlari» МЧЖ 2021 йил учун обуна кампаниясини бошлаб, муштарийларга «Солиқ ва божхона хабарлари», «Норма маслаҳатчи», «Налоговые и таможенные вести», «Норма» газеталарига



## ОФИСДАН ЧИҚМАСДАН ОБУНАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Ишончли маслаҳатчингиз бўлмиш газеталарингизни мунтазам равишда олиб туришингиз учун биз сизга мазкур сонда чоп этилаётган оммавий офертамиздан фойдаланган ҳолда 2021 йилга обунани расмийлаштиришни таклиф этамиз.

## ОБУНАЧИЛАР УЧУН БОНУСЛАР

186, 172 индекслари остидаги босма нашрларга йиллик обунани расмийлаштирган обуначилар бонуслардан фойдаланган ҳолда қуйидаги имкониятларни қўлга киритадилар:

- 1) «Norma» ўқув марказининг 2 та семинари ва 12 та вебинарида иштирок этиш;
- 2) «Norma» ўқув марказининг семинарлари (иккитадан ташқари) ва курсларида 30%лик чегирма билан ўқиш;
- 3) «Жавоб берамиз» хизматининг экспертларидан бухгалтерия ҳисоби, солиқ солиш, меҳнат қонунчилиги ва ҳўжалик ҳуқуқи масалалари бў-



йича 12 та оғзаки ва 4 та ёзма маслаҳатларни олиш;

4) «Gorod skidok» дисконт дастурининг ҳамкор ташкилотлари (кафе ва ресторанлар, дўкон ва сервис марказлари) да иш, рўзғор ва оила учун товарлар ва хизматлар ҳақини тўлашда қатъий белгиланган сийловлар олиш ҳуқуқини берадиган «Normальная карта» дисконт картасидан фойдаланиш;

5) «Roytaxt» радиоси орқали ўз раҳбарингиз ёки бош бухгалтерингизни таваллуд қилар билан қутлаш имконияти (FM 103,5 – ўзбек тилида ёки FM 107,2 – рус тилида – танловга қўра).

Қўшимча маълумотларни (78) 147-11-72 телефони ва [www.norma.uz](http://www.norma.uz) сайтидан олиш мумкин.

## ОММАВИЙ ОФЕРТА

1. «NORMA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ, бундан кейин Тахририят деб юритилади, мазкур таклиф билан Тошкент шаҳри ёки республика минтақаларида жойлашган (истикомат қиладиган), қўйида таклиф қилинаётган шартларни тўлашига (ўзи танлаган шартларни ҳисобга олган ҳолда) ва сўзсиз қабул қилишини билдирадиган шахс (*бундан кейин – Обуначи*) билан мазкур оммавий оферта шартларига мувофиқ 2021 йилга обуна шартномасини (*бундан кейин – Шартнома*) тузишга тайёр эканлигини билдириши. Тахририят ва Обуначи кейинги ўринларда биргаликда Тарафлар деб номланади.
2. Обуначи мазкур Шартнома шартларини қабул қилган тақдирда, унинг иловасида келтирилган шакл бўйича тўлдирилган ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланган буюртманома-акцепт (*бундан кейин – Акцепт*) жўнатиш йўли билан мазкур оммавий оферта шартларига бўйича обуна бўлишга розилиги ҳақида Тахририятни хабардор қилади. Акцептнинг барча устувлари тўлиқ, қисқартирилмас, аниқ-равшан, босма харфлар билан тўлдирилиши керак. Акцепт (78) 147-11-72 факси, [obuna@norma.uz](mailto:obuna@norma.uz) электрон почтаси орқали жўнатилиши ёки Тахририятга Тошкент ш., Навоий кўчаси, 22-уй манзили бўйича келтирилиши мумкин.
3. Факсимил ёзишмалар юридик кучга эга.
3. Тахририят 2021 йил учун Акцептда кўрсатилган нашрларга (Обуначининг танловига қўра) обунани келиш мажбуриятини, Обуначи эса уни расмийлаштириш ва тўлаш мажбуриятини олади.
4. Мазкур Шартнома Тахририят Акцептни олган вақтдан бошлаб тузилган ҳисобланади ва кучга киради ҳамда Тарафлар томонидан унинг шартлари тўлиқ бажарилишига қадар амал қилади.
5. Обуначи обуна қиймати мазкур Шартноманинг шартларига мувофиқ 2020 йил 25 декабрьдан кечикмасдан тўлаши шарт.
6. Обуна қийматини тўлаш шартлари: Обуначи томонидан Тахририят ҳисоб-китоб рақамига пул маблағларини (Акцептга биноан белгиланган тўловнинг умумий суммасини) ўтказиш йўли билан ҳақни юз фоиз (100%) олдидан тўлаш. Тўлов Тахририят қассасига нақд пул билан ҳам амалга оширилиши мумкин.
7. Тахририятнинг ҳисоб-китоб рақамига мазкур Шартноманинг 5 ва 6-бандлари шартлари билан назарда тутилган тартибда пул маблағлари келиб тушганидан кейин, Тахририятда Обуначидан келган Акцепт мавжуд бўлганида, мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга киришади.
8. Тахририят почта бўлими орқали республика доирасида Обуначига у томонидан Акцептда мазкур шартноманинг 3-бандига мувофиқ қайд этилган нашрларни навабдаги сон чиқishi билан кўрсатилган манзил бўйича етказиб беришни ташкил қилади.
9. Нашрлар ўз вақтида ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда, Обуначи тегишли почта бўлимига мурожаат қилиши шарт. Почта хизмати томонидан нашрлар ўз вақтида ва тўлиқ етказиб берилиши таъминланмаган тақдирда, Обуначи 10 (ўн) календарь кундан кечиктирмай бу ҳақда Тахририятни хабардор қилиши шарт.
10. Етказиб бериш манзили ўзгарган тақдирда, Обуначи нашрларни янги манзилга етказиб бериш масаласини почта бўлими билан келишиб олиши шарт. Почта хизмати томонидан нашрлар янги манзилга етказиб берилиши таъминланмаган тақдирда, Обуначи 10 (ўн) календарь кундан кечиктирмай бу ҳақда Тахририятни хабардор қилиши шарт.
11. Тахририят нашрлар чикарилишига қараб хар фактура тақдим этади. Обуначи хар ойда тақдим этилган электрон ҳисобварақ-фактураларни улар олинган пайдан бошлаб 5 (беш) календарь кун мо-байнида тасдиқлади шарт.
12. Акцепт мuddати 2020 йил 25 декабрьдан келиб белгиланади. Агар Тахририят томонидан Акцепт ва пул маблағлари тушу мuddатдан кечроқ олинган бўлса, Шартнома тузилмаган деб ҳисобланади, Тарафларда у бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар юзатга келмайди. Бундай ҳолда пул маблағлари Обуначига қайтарилади.
13. Шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун Тарафлар Узебекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.
14. Обуначи томонидан Акцептда унинг манзили ноўғри кўрсатилганлиги сабабли нашрларини етказиб бериш юзасидан Шартнома шартлари бажарилмаганлиги учун Тахририят Обуначи олдига жавобгар бўлмайди.
15. Тарафлар Шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун, агар бу Шартнома тузилганидан кейин, Тарафлар олдидан қўра олмаган, оқилона чоралар билан олдини олмаган фавқулодда туслдаги воқеалар нагжасини-да енгил бўлмас куч ҳолатлари (форс-мажор) бошланishi оқибатида юз берган бўлса, жавобгар бўлмайдилар.
16. Форс-мажор ҳолатларининг бошланганлиги тўғрисида Тарафлар бир-бирларини улар бошланган пайдан бошлаб 7 (етти) иш куни мобайнида хабардор қилишлари керак.
17. Мазкур Шартномани бажариш чоғида вужудга келадиган барча низо ва келишмовчиликларни Тарафлар музокаралар йўли билан, шу жумладан тарабонама юбориш йўли билан ҳал этадилар. Келишувга эришилмаган тақдирда низо суд тартибида ҳал этилади.
18. Мазкур оммавий офертанинг амал қилиш мuddати – 2020 йил 25 декабрьгача.
19. ТАХРИРИЯТ РЕКВИЗИТЛАРИ:  
«Norma Davriy Nashrlari» МЧЖ  
100105, Тошкент ш., Таллимаржон кўча, 1/1  
Обуна бўлими: 100011, Тошкент ш.,  
Навоий кўча, 22  
Х/р: 2020 8000 3008 7382 7001.  
Тошкент ш. «KDB Bank Uzbekistan» банкка МФО 00842
- СТИР 305504530, ИФУТ 58130  
ҚҚС тўловчисининг рўйхатдан ўтказиш коди: 326010039431.  
Тел.факс (78) 147-11-72.

Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ,  
«NORMA DAVRIY NASHRLARI»  
МЧЖ директори.



## КПК ОРҚАЛИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА КИМЛАР ЭХФни РАСМИЙЛАШТИРМАЙДИ

**?** Солиқ тўловчиларнинг шахсий кабинетларида янги хизмат – «Онлайн-НКМ ва виртуал кассалар чекларини рўйхатдан ўтказиш» сервиси пайдо бўлди. Энди товарлар ва хизматларни корпоратив карта ёрдамида реализация қилишда электрон ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштиришдан умуман воз кечиш мумкинми?

**Vixgalter.uz** илтимосига биноан вазиятни экспертлар шарҳлаб беришди.

**Гулнора ЭРГАШЕВА,**  
солиқ маслаҳатчиси:

– Товарлар ва хизматларни корпоратив карта ёрдамида реализация қилишда ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштириш амалиётидан воз кечиш – мумкин, бироқ сизда онлайн-НКМ ёки виртуал касса ўрнатилган бўлиши шарт билан. «Онлайн-НКМ ва виртуал кассалар чекларини рўйхатдан ўтказиш» сервиси эски намунадаги фискал хотирали НКМ чеклари билан ишламайди.

Хукукий нуқтаи назардан бу масалада ҳаммаси аниқ эмас. Президентнинг 30.10.2018 йилдаги «Товар бозорларида савдон янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5564-сон Фармонига ҳалигача ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилмаган. Унда илгаригидек норма мавжуд бўлиб, унга асосан корпоратив пластик картадан фойдаланган ҳолда ҳисрб-китобни амалга оширишда ҳисобварақ-фактурани расмийлаштириш шарт. Ушбу Фармон чиққан пайтдан эътиборан учта норматив ҳужжат чикди, улардан ЭХФни бундай вазиятда касса чеки билан алмаштириш мумкинлиги келиб чиқади.

СКнинг 47-моддасида айтилишича, товарлар ва хизматлар олди-сотди битимларини амалга оширишда юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар электрон ҳисобварақ-фактурани расмийлаштирадилар. Бунда шу модданинг 3-қисмидан онлайн-НКМ ёки виртуал касса чеки ЭХФнинг ўрнини тўлиқ босиши келиб чиқади.

Ҳисобварақ-фактураларнинг шакллари ҳамда уларни тўлдириш, тақдим этиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисида низомнинг (ВМнинг 14.08.2020 йилдаги 489-сон қарорига 2-илова) 5-бандида товарлар ва хизматлар корпоратив пластик карталар орқали реализация қилинганда ҳисобварақ-фактура сотиб олувчининг талабига кўра расмийлаштирилиши тўғрисидаги норма мавжуд.


Ва няхоят, Президентнинг «Яширин иқтисодийetni қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самардорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6098-сон Фармоннинг 2-бандига асосан хўжалик юритувчи субъектларга корпоратив пластик карталардан фойдаланган ҳолда товарларни (хизматларни) шартнома тузмасдан сотиб олишга рухсат берилган, бироқ электрон ҳисобварақ ёки онлайн-НКМнинг чеклари мажбурий равишда олиниши шарт.

Солиқ кодекси, Вазирлар Маҳкамасининг 489-сон қарори ва ПФ-6098-сон Фармон – бу замонавий ЭХФ ва онлайн-НКМ тизимларининг имкониятларини инobatга олган ҳолда ишлаб чиқилган янги НХХлардир. ПФ-5564-сон Фармон қабул қилинган пайтда ушбу технологиялар ҳали жорий қилинмаган эди.

Бироқ қонунчиликдаги ушбу ўзига хос жиҳатлар ҳақида ДСК ўтган ҳафтада солиқ тўловчиларнинг шахсий кабинетларида «Онлайн-НКМ ва виртуал кассалар чекларини рўйхатдан ўтказиш» сервисини ишга туширгунга қадар гапиринмаган. Тўғри, сўнгги вақтда ПФ-5564-сон Фармонда шундай белгилангани учун эмас, балки мазкур сотишлар бўйича маълумотларни қандайдир тарзда ДСК ахборот тизимига киритиш зарурлиги учун бундай йўл тутишди. Акс ҳолда улар ҚҚС ва айланмадан олинандиган солиқ бўйича ҳисоб-китобларни автоматик тарзда тўлдириш чоғида ҳисобга олинмай қоларди.

Энди эса ЭХФни расмийлаштирмасдан удалашнинг техник имконияти пайдо бўлди. Шуниси аниқки, НКМ чекини олиш ҳисобварақ-фактура тақдим этилишига эришишдан кўра анча осон. Бунинг устига, у муддатлар бўйича 489-сон ВМҚнинг 2-илловаси талабларига тўлиқ жавоб беради, бу талаблар ЭХФни расмийлаштиришнинг муқобили бўлмагани учун кўпинча бузиларди.

Таъкидлаб ўтишни истардимки, Солиқ кодекси, 489-сон қарор ва ПФ-6098-сон Фармон КПК орқали харид қилганда ЭХФни расмийлаштиришдан воз кечиш ва онлайн-НКМ чеки кифоя қилиши учун тадбир-



корларга мустақкам хукукий асосни барпо этади. ПФ-5564-сон Фармонга эса, эртами-кечми, барибир ўзгартиришлар киритилади албатта.

Шунингдек, мазкур янгилик бўйича барча масалаларни ҳал қилиш учун «Онлайн-НКМ ва виртуал кассалар чекларини рўйхатдан ўтказиш» сервис билан ишлаш бўйича расмий батафсил йўриқномалар пайдо бўлиши керак.

Бугунги кунда корпоратив карталар орқали товарлар ва хизматларни реализация қилишда ҳисобварақ-фактурани фақат сотувчи эски намунадаги фискал хотирали НКМдан фойдаланишда давом этаётган ҳолларда ўрнини босиб бўлмаслиги келиб чиқади.

Эслатиб ўтаман, ҳисобварақ-фактуралар тўғрисидаги 489-сон Низомнинг 5-бандига асосан ЭХФ сотиб олувчининг талабига кўра товарлар (хизматлар) реализация қилинган сана билан расмийлаштирилган ҳолда тақдим этилиши шарт.

**Светлана ГОЛОСОВА,**  
«TRI-S-AUDIT» МЧЖ  
директори:

– Президентнинг ПФ-5564-сон Фармони қабул қилиниши биланок қонунчиликда зиддиятлар юзага келди. Сабаби 2007 йил таҳриридаги Солиқ кодексида ҳам ҳисобварақ-фактураларга тенглаштирилган ҳужжатлар рўйхати мавжуд эди ва НКМ чеки ҳам – улар орасида бўлган!

Корпоратив пластик карта орқали амалга оширилган ҳар бир ҳисоб-китобни ҳисобварақ-фактура билан

расмийлаштириш талаби тадбиркор ишини жуда қийинлаштиради, шу боис унга кўпинча рия қилинмаган. Бироқ ҚҚС ва айланмадан олинандиган солиқ бўйича ҳисоб-китобларни автоматик тарзда тўлдиришга ўтиш билан ҳисобварақ-фактура ўрнини ҳеч нарса босолмайдиган бўлди, сабаби солиқ органларининг ахборот тизими томонидан онлайн-НКМ чеклари бўйича маълумотлар олиниши таъминлайдиган техник ечим мавжуд эмас эди.

Шахсий кабинетда «Онлайн-НКМ ва виртуал кассалар чекларини рўйхатдан ўтказиш» хизматининг пайдо бўлиши билан:

- ҚҚС ва айланмадан олинандиган солиқ бўйича ҳисоб-китобларни автоматик тарзда тўлдириш шароитларида СКнинг 47-моддасида назарда тутилган турли вариантлардан фойдаланишнинг техник имконияти пайдо бўлди;

- агар ҳисобварақ-фактуралар тўғрисидаги Низомнинг (ВМнинг 14.08.2020 йилдаги 489-сон қарори билан тасдиқланган) 5-бандига асосан сотиб олувчи ҳисобварақ-фактура тақдим этилишини талаб этмаслики лозим топса, кейинчалик қандай ҳаракат қилиш тушунарли бўлди.

Ва няхоят, ПФ-6098-сон Фармон корпоратив пластик карта орқали қилинган харидни ҳисобварақ-фактурани мажбурий тарзда расмийлаштирмаган ҳолда расмийлаштириш мумкинлиги ва у ҳам қонунийлиги яна бир бор тасдиқлади. Шундай экан, бизнес учун кам чиқим келтирадиган нормалар бўйича ишлаш мумкин ва зарур.

*Олег ГАЕВ ОЙ тайёрлади.*

### РЕКЛАМА ва ЭЪЛОН

**«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»** ORMA

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Говкент ш., Миробод тумани,  
Таллимаржон йўли, 1/Б. Тел.: (71) 200-00-90.  
E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

### «Жавоб берамиз» инфокиоскига хуш келибсиз

Солиқ солиш, бухгалтерия ҳисоби ва хукукка оид мавзулардаги саволларингизга электрон қўлланмалар ва газета материаллари муаллифлари жавоб берадилар.

Жавобларни [norma.uz](http://norma.uz) сайтидаги «Жавоб берамиз» эксперт хизмати электрон ахборот киоскидан топасиз.

Саволларни қуйидагича бериш мумкин:

- аввал [norma.uz](http://norma.uz) сайтида рўйхатдан ўтиб, мурожаатни электрон қўришида жўнатган ҳолда;
- (71) 200-00-59 бевосита алоқа телефони орқали (душанбадан жумагача соат 10.00 дан 17.00 гача).

# ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТЛАР

Ўз вақтида қоғоздаги ҳисоботларни ва бошқа ҳужжатларни топшириш учун елиб-югурганлар бухгалтер учун электрон ҳужжатлар айланиши – бу катта ютуқ эканлигини тасдиқлашлари аниқ. Бироқ, бундай ютуққа эришилганига қарамай, ушбу масала борасида бухгалтерларда мураккабликлар юзага келиб турибди. *buxgalter.uz* илтимосига кўра амалиётчи бухгалтер Алия МУҲАМЕДОВА электрон ҳужжат айланишида мавжуд муаммолар ва камчиликлар ҳақида сўзлаб берди.

## 1. Ишончномалар

– «Амалдаги қондаларга биноан ТМҚ олиш учун берилган ишончномага асосан товар берилди (АВ томонидан 30.06.2020 йилда 3259-сон билан рўйхатдан ўтказилган 4-сон БҲМСнинг 12-боби).

Ишончнома – бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан бошқа шахсга (ишонч билдирилганга) учинчи шахсларга тақдим этиш учун бериладиган ёзма шаклдаги ваколат (ФК 134-м).

4-сон БҲМСнинг янги таҳририга мувофиқ электрон ишончномада **масъул шахсларнинг** электрон имзоси қўйилган бўлиши лозим, бунда **ишончли шахснинг** электрон имзоси намунаси бўлиши талаб этилмайди.

Масъул шахс – бу ишончномада маълумотлар тўғри кўрсатилганлиги юзасидан жавобгар ҳамда ишонч билдирилган шахс номидан товарларни олиш учун ваколатли бўлган шахс ҳисобланади. Моҳиятига кўра ишончноманинг мақсади ва мазмуни харидор номидан ким товар олиши ҳақида етказиб берувчини хабардор қилишдан иборат. Ушбу фактни шахсни тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этган ҳолда тасдиқлаш мумкин. Товар берувчига маълум қилиш мақсадида товар-юк ҳужжатларида қандай имзо тўғри эканлиги тасдиғи сифатида ишончноманинг қоғоздаги шаклига имзо қўйилади.

Ишончли шахс томонидан электрон ишончномани имзолашдан маъно йўқ, чунки электрон имзо намунаси қўйилиши мумкин эмас, Фуқаролик кодекси нуктага назаридан ишончли шахс ҳужжатни тасдиқлашга ваколатли бўлмайди (ФК 138-м).

### Амалиётда

Роуминг-оператор ишончли шахснинг имзосиз электрон ишончномани қабул қилмайди. Натижада омонбори сони ва моддий жавобгар шахслари кўп бўлган йирик компаниялар, улар орасида тез-тез ротация юз бериши сабабли, ишончли шахслар томонидан ишончномаларнинг электрон тарзда «тасдиқланиши»ни оператив назорат қилиш имкониятига эга бўлмайдилар ва уларни қоғоз шаклида тузишга мажбур бўладилар.

Бундан ташқари, ишончнома беришда ЭХФ ишонч билдирилган шахснинг номига юборилиши сабабли ЭХФ имзоланишини назорат қилишда муаммоларга дуч келинмоқда. Ишончли шахс ҳисобварақ-фактурани қабул қилиб олмагунинга қадар бухгалтерия уни кўра олмайди. Бу солиқ тўловчилар учун иккинчи катта муаммо ҳисобланади.

### Халқаро тажриба

Хорижий мамлакатлар амалиётида хусусий корхоналар учун ишончномаларни расмийлаштириш тартиби шартномавий муносабатларнинг предмети ҳисобланади. Корхоналар битимлар тузишда етказиб беришни расмийлаштириш ва назорат қилиш тартибини мустақил белгилайдилар. Ўзбекистонда ишончномани тақдим этиш зарурати хусусий мулкчилик мавжуд бўлмаган ва давлат мулкни талон-торож қилишга қарши курашиш масаласига жиддий эътибор қаратилган «режали икисодиёт давридан қолган мерос» ҳисобланади. Етказиб берувчи аниқ кўрсатилган манзилдаги харидорнинг омонборига товарни олиб келадиган ҳолатларда ТМҚ бут сақланишини назорат қилиш воситаси сифатида ишончномани расмийлаштиришнинг фойдаси йўқ деб ўйлайман. Масалан, РФда товар харидорнинг омонборига жўнатилаётган бўлса, ишончнома керак бўлмайди.

## 2. Ҳисобварақ-фактураларни ЭРИ билан имзолаш

Электрон ишончномаларни имзолашдан ташқари масъул шахснинг ҳисобварақ-фактураларни имзолашга ҳақли эканлигини белгилашда мураккабликларга дуч келинмоқда. Ҳисобварақ-фактураларнинг шакллари ҳамда уларни тўлдириш, тақдим этиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга (ВМнинг 14.08.2020 йилдаги 489-сон қарорига 2-илова) мувофиқ ҳисобварақ-фактурада мажбурий тартибда ишончноманинг реквизитлари кўрсатилиши лозим. Шунингдек ҳисобварақ-фактуралар моддий жавобгар шахслар томонидан имзоланиши назарда тутилган.

Эслатиб ўтаман, ҳисобварақ-фактура – бу товар-юк ҳужжати эмас, юкхат ҳисобланмайди. Бу солиқ ҳисоботи бланки бўлиб, у моддий жавобгар шахслар кўпинча етарлича малакага эга бўлмаганлиги ҳамда товарларнинг миқдор жиҳатидан қабул қилиб олинishi учун жавобгар эканлигини эътиборга олган ҳолда, корхонанинг молиявий/бухгалтерия хизмати томонидан қабул қилиб олинди ва текширилади. Моддий жавобгар шахслар, одатда, товарлар ва уларнинг турига қараб қиймати, чеғирмалар ва бошқалар тўғри акс эттирилганлигини текшириш учун етарли даражада билимларга эга бўлмайдилар. Моҳиятига кўра, ЭХФ молиявий функцияни бажарди (етказиб берувчи олдидаги қарзни тан олиш, ҚҚСни ҳисобга олиш имконияти ва бошқалар). Жавобгарлик ва назорат нуктага назаридан бундай ҳужжатлар омонбори мудури томонидан корхона номидан имзоланишига йўл қўйилмаслиги лозим.

Товарларни қабул қилиш бўйича операциялар сони кўп бўлганда ҳисобварақ-фактураларни имзолаш устидан назорат қилиш анча мушкул бўлади. ЭХФга номинга ишончнома ёзиб берилган моддий жавобгар шахснинг имзоси қўйилиши талаб этилган тақдирда, бу молия хизматининг солиқ ҳисоботи ҳужжати сифатида ЭХФнинг тўғри имзоланганлигини назорат қилиш қисмидаги имкониятларини сезиларли даражада чеклаб қўяди.

Таъкидлаш жоизки, МДҲ давлатлари (РФ, Қозоғистон) амалиётида ҳисобварақ-фактура бланкида, қондага кўра, ишончли шахсларнинг имзоси ва ишончноманинг реквизитлари назарда тутилмайди, сабаби ҳисобварақ-фактура товар-юк ҳужжати ҳисобланмайди. Ўзбекистонда электрон ҳужжат айланишини ташкил этишда молиявий ҳужжатлар ва товар-юк ҳужжатлари бир-бирига тенглаштирилмоқда.

## 3. ЭХФни имзолаш муддатлари

Жорий йилнинг 1 ноябридан бошлаб ЭҲА тартибига киритилган ўзгаришларга мувофиқ ЭХФни тақдим этиш ва қабул қилиш муддатлари чекланди – 10 кунлик муддат белгиланди (Низомнинг 4-7, 59-бандлари).

Мазкур тартибнинг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда камчиликлари ҳам мавжуд, улар СК ҳамда шартномавий муносабатларни тартибга соладиган қонун ҳужжатларида тақдим этилган солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқларини чеклаб қўймоқда.

Солиқ тўловчи томонидан аввал топширилган солиқ ҳисоботидаги маълумотлар тўлиқ эмаслиги ва (ёки) ҳисобланган солиқ суммасининг камийишига (ўзгаришига) олиб келадиган хатоликлар аниқлаганда, у ушбу солиқ ҳисоботига зарур тузатишларни киритиши шарт. Сўнгра аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этиши лозим (СК 83-м.)

Киритилган янги қондаларга мувофиқ, солиқ тўловчи томонидан тақдим этилмаган ҳисобварақ-фактуралар аниқланган тақдирда, уларни зарур саналар билан юбориш ва тегишли даврдаги ҚҚС ҳисоботига киритишнинг техник жиҳатдан имкони бўлмайди. Бинобарин, у аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини топшириш ҳуқуқини амалга ошира олмайди (ва мажбуриятини бажара олмайди).

Бунда тушумни кейинги даврларга кўчириш тушумни яшириш деб эътироф этилади (СК 223-м.). Яъни солиқ тўловчига автоматик тарзда солиққа оид ҳуқуқбузарлик белгиланади.

Ҳисобварақ-фактура солиқ ҳисоботи бланкаси сифатида одатда бухгалтерияга тақдим этилади. Товар-юк ҳужжатлари – юкхатлар, товар-транспорт юкхатлари (ТТЮ), қабул қилиш-топшириш далолат-

# АЙЛАНИШИДАГИ 4 ЖИХАТ

номалари эса моддий жавобгар шахслар томонидан расмийлаштирилади. Айтайлик, товар олисда жойлашган омордан жўнатилган, ҳужжатлар (ТГЮ) муайян даврийликда марказлаштирилган бухгалтерияга келиб тушади. Мазкур ҳолатда ЭХФ тақдим этилган санами товарларни юклаб жўнатиш санаси билан мувофиқлаштириш имконияти бўлмайдиган вазият юзга келиши мумкин.

Кўпчилик корхоналар товарларни молия хизмати ишламайдиган дам олиш кунинда ҳам юклаб жўнатилади. Мазкур ҳолатда ҳам ЭХФ тақдим этилган сана амалда товар юклаб жўнатилган санага мос келмайди, сабаби товар-юк ҳужжатлари – ТГЮ, юкхатлар, қабул қилиш-топшириш далолатномалари моддий жавобгар шахслар томонидан амалда товарни юклаб жўнатиш чоғида расмийлаштирилади.

Юқорида айтиб ўтилганлардан ташқари шуни таъкидлаш жоизки, алоҳида турдаги ишларнинг (хизматларнинг) ўзига хос жиҳатлари шартнома бўйича бажарилган ишлар (хизматлар) узок муддат давомида қабул қилинишини тақозо этиши мумкин. Масалан, қурилишда шартнома шартларига мувофиқ иш хажмига қараб 10 кундан ортик муддат давом этадиган назорат ўлчаш ишлари натижалари ҚМИ шартномаси бўйича сифатли ва тўлиқ бажарилганлиги ҳолати бюротмачи томонидан етарли далил деб ҳисобланиши мумкин. Мазкур ҳолатда тарафлар ҚМИни бажаришга оид шартномада ишларни қабул қилиш тартибини олдиндан келишиб оладилар. Шу билан бирга пудратчи даромад эътироф этилган сана билан ЭХФни тақдим этиши шарт. Солиқ органлари томонидан ҳужжатларни қабул

қилиш муддатлари бўйича белгиланган чекловлар ҳужжалик шартномаси иштирокчиларининг ҳуқуқларини сезиларли даражада чеклаб қўйиши мумкин, бунга йўл қўйилмаслиги лозим.

## 4. Товарлар КПК бўйича сотилганда ЭХФни расмийлаштириш

Кундалик ҳаётда юридик шахслар корпоратив пластик картадан (КПК) фойдаланган ҳолда ўз эҳтиёжлари учун товарлар харид қиладилар. Чекни оладилар, унда товарлар рўйхати ва ҚҚС суммаси кўрсатилган бўлади. Бунда кассир учун тўлов корпоратив ёки шахсий картадан тўланиши аҳамиятсиз. КПК алоҳида идентификацияга эга бўлмайди.

Сотувчи терминал орқали юридик шахсларга реализация қилинган товарлар тўғрисидаги маълумотга эга бўлмайди, сабаби банк кўчирмаларида ушбу маълумотлар кўрсатилмайди. Ҳўжалик шартномалари тузилмайдиган контрагентлар бўйича алоҳида ҳисоб юритилмайди. Яъни, КПК бўйича харидни идентификациялаш учун харидор карталарининг асл нусхасини кўрсатган ҳолда сотувчига мурожаат қилишига тўғри келади.

СКга мувофиқ юридик шахслар касса чеки тақдим этилганда ҳисобварақ-фактурани ёзиб бермасликка ҳақлидирлар (СК 47-м. 3-қ.) Бирок корпоратив пластик карталардан тўлов тўланганда, яқин кунларгача харидорларда сотувчидан ЭХФни олмасдан туриб чек бўйича ҚҚС-ни ҳисобга қабул қилиш имконияти бўлмаган.

Президентнинг «Товарлар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожланти-

риш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг (30.10.2018 йилдаги ПФ-5564-сон) 1-бандида ҳисобварақ-фактураларни тақдим этиш мажбурияти назарда тутилган эди, у ҳозирга қадар бекор қилинмаган. ПФ-5564-сон Фармонда КПКдан фойдаланган ҳолда амалга оширилаётган ҳисоб-китобларда ҳисобварақ-фактура тақдим этилиши лозимлиги назарда тутилган. Бирок бу юридик жиҳатдан тўғри бўлмайди, сабаби «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Солиқ кодекси мақомига кўра Президент Фармонидан юқори ўринда туради. Тегишли равишда, СК қабул қилиниши билан аввал қабул қилинган ПФ-5564-сон Фармонга ўзгартириш киритилиши керак эди.

Солиқ тўловчилар талаблар фармонда кўрсатилганига қарамай, Солиқ кодексида амал қилишга ҳақлидирлар. Шундай ҳуқуққа эга бўлсалар-да, улар негадир таваккал қилишни маъкул кўрмайдилар...

Яна 14.08.2020 йилдаги 489-сон ВМҚда СКга зид ҳолда КПКдан тўлов тўланганда ЭХФни тақдим этиш мажбурияти белгиланган – ушбу қонуности ҳужжати Кодексга зид ҳисобланади.

Сўнгги ойда солиқ тўловчининг шахсий кабинетига чекларни рўйхатдан ўтказиш учун махсус хизмат жорий қилинди. Энди харидор корпоратив картадан товарлар ёки хизматлар учун ҳақ тўлаганда онлайн-НКМ ёки виртуал касса чекини мустақил равишда рўйхатдан ўтказиши мумкин.

Рўйхатдан ўтказилаётган онлайн-НКМ чекида фақат корпоратив карта бўйича харид қилинган товарлар тўғрисидаги маълумотлар акс этирилиши лозим. Нақд пул тўлаб олинган, жисмоний шахсининг кар-



таси орқали ёки аралаш тўлов усулида (нақд пул + корпоратив карта ёки жисмоний шахсининг картаси) олинган харидлар акс этирилган чеклар автоматик тарзда рўйхатдан ўтказилмайди.

Сотувчи хатоликка йўл қўйиб онлайн-НКМ ёки виртуал касса чекида харид учун нақд пул тўланганлигини кўрсатган тақдирда ҳам чек рўйхатдан ўтказилмайди. Мазкур ҳолатда қайта расмийлаштириш учун сотувчига мурожаат қилиниши лозим.

Яъни, объектив жиҳатдан банк карталари шахсий ва корпоратив карталарга бўлинишига ҳамда ушбу ахборот молия-банк тизимида сақлаб қолинишига қарамай, чекни рўйхатдан ўтказиш кассир томонидан кассада уриб бериладиган чекда тўлов тури тўғри кўрсатилган ёки нотўғри кўрсатилганлигига боғлиқдир. Бунда кассир томонидан жўнатилган нотўғри маълумотларни тузатиб бўлмайди.

Мазкур ҳолатда юридик шахс ҳисобланган харидорларга чекларни тўлов турига бириктирилмаган ҳолда рўйхатдан ўтказиш имкониятини бериб, ушбу масалани солиқ назорати ўтказиш чоғида текшириш учун қолдириш мақбул ҳисобланади.

## ✓ НОРМАТИВ ЛОЙИХА

# ФАОЛИЯТНИ БОШЛАШ ВА ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА ХАБАРДОР ҚИЛИШНИ УНИФИКАЦИЯЛАШ РЕЖАЛАШТИРИЛМОҚДА

ҚХТБТ порталида Вазирлар Маҳкамасининг «Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун ваколатли органини хабардор этиш тартиби тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори лойиҳаси муҳокама учун жойлаштирилган.

Лойиҳа Адлия вазирлиги томонидан Президентнинг 2020 йил 24 августдаги ПФ-6044-сон «Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилган. Ҳужжат рухсат бериш тартиб-таомилларини унификациялашга қаратилган.

Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун ваколатли органини хабардор этиш тартиби тўғрисидаги ягона низомни 2021 йил 1 январдан бошлаб амалга татбиқ этиш режалаштирилмоқда. Ҳужжат хабардор қилиш тусидаги фаолиятни назорат қилиш ва ҳисобини юритиш (бошлаш ёки тугатиш) тартибини белгилайди.

Хабардор қилмасдан шуғулланиш мумкин бўлган фаолиятга ваколатли орган томонидан қарор қабул қилиниши талаб этилмайдиган фаолият турлари қиради. Хабардор қилиш тадбиркор томонидан давлат томонидан тартибга солиниши ҳамда тегишли фаолият билан шуғулланаётган субъектларнинг ҳисобини юритиш зарур бўлган қонунийлик ҳужжатларида белгиланган талаб ва шартларга риоя этиш мажбуриятини ўз зиммасига олишини аниқлатади.

Хабарномалар ЯИДХП ёки «Лицензия» ахборот тизими орқали электрон шаклида кечая кундуз жўнатилиши режалаштирилмоқда. Хабарнома қуйидаги талаблар ва шартларга мувофиқ бўлиши керак:

- Паспортни белгиланган шаклларга мувофиқ тўлдириш (фаолият турлари бўйича иловаларда келтирилган);
- хабарноманинг маълумотлари тўғри ва ишончли бўлиши керак;
- ходимлар ва меҳнат шартномалари тўғрисидаги маълумотлар Ягона миллий меҳнат тизимида рўйхатдан ўтказилиши лозим;

● номи, жойлашган жойи (яшаш манзили) ўзгарганлиги, филиал ташкил этганлиги тўғрисида 10 иш кунини ичида ЯИДХП ёки «Лицензия» АТ орқали хабар берилиши керак.

Хабарнома юборганлик учун БХМнинг 50%ни микдоригача йиғим ундирилади (бундан қурилиш-монтаж ишлари ва алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш бўйича фаолият мустасно).

Хабарномалар қабул қилинганлиги ва улар реестрга киритилганлиги тўғрисидаги хат QR-кодни қўйиб йўли билан расмийлаштирилади.

Республика даражасида хабарнома қабул қилувчи ваколатли органлар маъмурий шикоятларни кўриб чиқиш бўйича апелляция кенгашларини ташкил этади.

Лойиҳа ўзгартирилиши, унга қўшимчалар киритилиши ёки рад этилиши мумкин.

Лола АБДУАЗИМОВА.

# РАҚАМЛИ БОЖХОНА – ТАШҚИ САВДОДА ШАФФОФЛИК ГАРОВИ

- Бугун божхона органларида 56 та ахборот тизими ва 30 та интерактив хизматлар татбиқ этилган
- Божхона расмийлаштируви вақти экспортда 1,7 баробарга, импортда 1,4 баробарга қисқарган
- Хорижий автонинг Ўзбекистонда бўлиш муддатини онлайн узайтурса бўлади

Давлат божхона қўмитаси томонидан Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида «Рақамли божхона – ташқи савдода шаффофлик гарови» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Тадбирда Давлат божхона қўмитасининг тегишли бошқарма бошлиқлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда тадбиркорлар иштирок этди.

Республика Президентининг 2020 йил 5 июндаги «Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-6005-сон Фармони том маънода божхона органлари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш ва божхона хизматида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишда асосий дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирда божхона тартиб-таомилларини янада соддалаштириш, божхона тизимида рақамли технологияларни кенг қўллаш орқали инсон омилини камайтириш, божхона назорати шакллари хавфларни бошқариш принципларига асосланган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланиш, содда қилиб айтганда, «рақамли божхона»га ўтиш борасида кенг камровли ишлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда божхона органларида 56 та ахборот тизимлари ва 30 та интерактив хизматлар (шундан, 2020 йил давомида 6 та ахборот тизимлари ва 13 та интерактив хизматлар) татбиқ этилган. Хусусан, божхона органларида «Хавфни бошқариш» тизимининг жорий этилиши натижасида бугунги кунда конунга

итоаткор тадбиркорларнинг экспорт ва импортга йўналтирилаётган махсулотлари тезкорлик билан божхона расмийлаштирувидан ўтказилмоқда. Ушбу тизимни такомиллаштириш орқали 2020 йил 1 июндан синов тарикасида автомобиль чегара божхона постларида амалиётга жорий этилди. Бу ҳам, ўз навбатида, келгусида чегара божхона постларидаги навбатларнинг сезиларли қисқаришига ёрдам беради.

Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини хавф даражасига қараб тоифаларга ажратиш натижасида божхона кўриқлари сони 1,4 баробарга камайиб, самарадорлиги 1,5 баробарга ошди.

Божхона расмийлаштируви вақти экспортда 1,7 баробарга, импортда 1,4 баробарга қисқарди. Ҳозирги кунда 62 фоиз товарлар соддалаштирилган тартибда божхона расмийлаштирувидан ўтказилмоқда.

Божхона тартиб-таомилларини соддалаштиришда ахборот тизимларининг ўрни катта эканлигини тушунган ҳолда, расмийлаштирув билан боғлиқ жараёнлар тўлиқ автоматлаштирилди. Масалан, божхона юк декларацияларини автоматик рўйхатга олиш ва автоматик тақсимлаш жорий этилди (жараёнга илгари 2–3 соат вақт кетган, бир неча хизмат китоблари юритилган бўлса, ҳозир



1–2 дақиқа сарф этилмоқда, қолаверса, бу коррупцион ҳолатлар олдини олишда катта қадам бўлди).

Божхона тўловларини мобил-банкнинг хизмати орқали онлайн ўтказиш йўлга қўйилганлиги туфайли 2020 йилнинг 10 ойида 110 млрд сўмлик тўловлар ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда келиб тушган.

Шунингдек, ҳозирда чегара божхона постлари орқали ҳаракатланаётган автотранспорт воситаларини давлат назоратидан ўтказиш ва пост ҳудудидан чиқиб кетиши назоратини «электрон шлагбаум»га асосланган, чегара божхона постларида фаолият кўрсатётган давлат идораларига уланган «Транспорт назорати» автоматлаштирилган ахборот тизимини амалиётга жорий этиш бўйича қатор ишлар олиб борилмоқда. Мазкур тизим ёрдамида товар ва транспорт воситалари чегара ўтказиш пунктларига кириб келишидан тортиб, то чиқиб кетгунгача бўлган даврда замонавий курилмаларнинг назоратида бўлади. Яъни бу орқали «Ягона дарча» тамойилига кўра расмийлаштирувга асосланган инновацион божхона пости амалиётга жорий этилади.

Ўтказиш пунктида давлат назорати органлари томонидан ҳайдовчилар, товар ва транспорт воситаларининг назорат тартиб-таомилларидан ўтказиш учун сарфланган вақт тўғрисидаги маълумотларни онлайн режимда олиш имконияти яратилади.

Бундан ташқари, ушбу тизимнинг амалиётга жорий этилиши чегара ўтказиш пунктларида назорат олиб боровчи органлар томонидан тегишли тартиб-таомилларни «ягона дарча» тамойили асосида амалга ошириш ва унга сарфланадиган вақтни қисқартириш имконини беради. Мазкур тизим дастлаб «Яллама» чегара божхона постида, сўнгра босқичма-босқич бошқа постларда жорий этилиши режалаштирилган.


Ҳозирда божхона органлари томонидан «Автотранспорт восита-

лари навбатларини бошқариш» ахборот тизимини амалиётга жорий этиш устида ҳам ишлар олиб борилмоқда. 2020 йилнинг 1 ноябридан бошлаб Давлат божхона қўмитаси жисмоний шахслар учун транспорт воситаларини вақтинчалик олиб киришда ташувчиға реал вақт режимида электрон шаклда қайта олиб чиқиш муддати тугашидан олдин вақтинчалик олиб кириш муддатини узайтириш ва тегишли йиғинни тўлаш имкониятини яратди. Эндиликда электрон тўлов тизимлари орқали чет эл автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиш муддатини онлайн равишда узайтириш мумкин.

Шунингдек, чегара божхона постлари инфратузилмасини яхшилаш, уларнинг фаолиятини рақамлаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Қозғоғистон билан чегарадош бўлган «Даут-ота», «Сирдарё», «Ғиштқўприк» ва «Яллама», Туркменистон билан чегарадош «Олот», «Хўжайли», «Шовот» ва «Дўстлик», Тожикистон билан чегарадош «Сариосиё» чегара божхона постлари тўлиқ реконструкция қилинди. Натижада постларнинг суткалик йўловчи ўтказиш қобилияти 2 баробарга, автотранспорт ўтказиш қобилияти эса 4 баробарга ошди.

Мазкур божхона постлари инсон танасини сканер қилувчи «Body Scan», юк автотранспорт воситаларини сканер қилувчи Инспекцион кўрик мажмуалари, электрон шлагбаум, давлат рақамини аниқлаш тизимлари каби инновацион назорат-техника воситалари ва замонавий ахборот технологиялари билан таъминланиб, «Рақамли божхона» талабларига мослаштирилди.

Ҳозирда ушбу постларда синов тарикасида «Навбатларни бошқариш» ҳамда «Транспорт назорати» ахборот тизимлари жорий этилиб, шу ерда фаолият юритаётган дав-



лат назорати идоралари томонидан автотранспорт ва ҳайдовчиларни назоратдан «Ягона дарча» тамойили асосида ўтказиш йўлга қўйилди. На тижанда ушбу жараёнларга сарфланган вақтни кескин қисқартириш ва транспорт воситалари тирбандлиги олдини олиш имконияти яратилди. Келгусида ушбу ахборот тизимларини босқичма-босқич транспорт оқими юқори бўлган чегара божхона постларида жорий қилиш режалаштирилган.

2020 йил 1 январдан амалиётга жорий этилган «Ягона дарча» божхона ахборот тизими орқали ҳозирда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда 6 та органнинг 17 та рухсат бериш тусидаги ҳужжатларини инсон омилсиз бериш тартиби жорий қилинди.

Жорий йилнинг ўтган даврида дастур орқали 26 мингдан ортиқ ТИФ қатнашчиси рўйхатдан ўтган бўлиб, ваколатли идоралар томонидан 465 мингдан ортиқ рухсатнома ҳужжатлари расмийлаштирилди. Илгари мазкур рухсатномаларни олиш учун тадбиркор идорама-идора юришга мажбур бўлар эди.

Замонавий ахборот-коммуникация ютуқлари ва «мантқиқий назорат» функцияларини жорий этиш орқали товар ва транспорт воситалари устидан назоратни кучайтириш натижасида жорий йилнинг ўтган даврида давлат бюджетига 18,7 трлн сўм божхона тўлови ундирилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,7 трлн сўмга кўпдир.

Матбуот анжуманида чегара постларида божхона назорати сифати ва самардорлигини оширишга хизмат қилаётган инспекцион кўрик мажмуаларининг аҳамияти бекиёс эканлиги таъкидланди. Узокқа бормайлик, куни кеча «Сариосиё» темир йўл божхона постида кўшни давлатдан Ўзбекистон ҳудуди орқали хорижга ўтиш мақсадида кириб келган 2 та вагон Инспекцион кўрик мажмуасидан

ўтаётганда вагонларнинг ост қисмига махсус темир листлар пайвандланиб, тайёрланган яширин жойда қарийб 172,5 кг гиёҳвандлик моддалари яширилганлиги аниқланган.

Соҳани рақамлаштириш мақсадида жорий ва келгуси йилда «Avtomatlashtirilgan tarzda chiqarib

yuborish», «Bojxona auditi», «E-tranzib» каби бир неча автоматлаштирилган ахборот тизимлари амалиётга жорий этилади.

Ўзбекистон Республикасида халқаро ТИР-карнет китобчалари асосида ташувларни электрон расмийлаштиришни назарда тутувчи

«E-TIR» лойиҳаси, кафолат ҳужжатларини бериши мумкин бўлган ташкилотлар (банк, суғурта) рўйхати юритилиши тўлиқ автоматлаштирилди.

Шунингдек, «Божхона ҳудудида қайта ишлаш» божхона режимида қайта ишлаш маҳсулотларининг чиқиш нормасини идентификациялаш ва баҳолаш услубияти тадбиркорлик субъектининг ўзи томонидан ишлаб чиқиши белгиланиб, бу қайта ишлаш жараёнларини кескин соддаштирилади. Пировардида умумий ишлаб чиқариш, шу жумладан экспорт ҳажмининг ошириш ва қўшимча иш ўринларини яратишга замин яратилади.

Бундан ташқари шартнома асосида жисмоний ва юридик шахсларга божхона экспертизасини ўтказиш, ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси кодларини аниқлаш ҳамда статистик маълумотларни тақдим этиш каби интерактив хизматлар кўрсатилиши йўлга қўйилади.

Яна бир янгилик – Божхона юк декларацияларини автоматик равишда божхона расмийлаштирувдан ўтказиш тизимини босқичма-босқич амалиётга киритишни назарда тутувчи «Avtomatlashtirilgan tarzda chiqarib yuborish» каби бир неча автоматлаштирилган ахборот тизимлари амалиётга жорий этилади. Бунинг натижасида 2021 йил 1 январгача «Экспорт» божхона режимида расмийлаштириладиган божхона юк декларациялари сонининг 5 фоизидан кам бўлмаган қисми, 2022 йилнинг 1 январгача эса умумий расмийлаштириладиган божхона юк декларациялари сонининг 20 фоизи автоматик тарзда инсон омилсиз аралашувисиз расмийлаштирилади.

Анжуман якунида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга апрофлича жавоблар олишди.

*ДБК Ахборот хизмати  
материали асосида.*

## ✓ БОЖХОНА АМАЛИЁТИ

### ҚОНУНБУЗАРНИ «ИККИ КЎЗЛИ» СКАНЕР АНИҚЛАЙДИ

**Рақамли божхона тамойилига кўра республикамизнинг барча чегара божхона постлари замонавий ва энг сўнгги техникалар билан таъминлаб келинмоқда.**

Фарғона вилояти божхона бошқармаси «Фарғона» чегара божхона пости ҳам энг сўнгги русумдаги техник воситалар билан жиҳозланди. Постда фуқароларни божхона назоратидан тез ва сифатли ўтказиш мақсадида инсон танасини сканерлаш учун мўлжалланган икки проекцион генераторли техник восита ўрнатилди. Эндилликда биринчи проекцияда инсоннинг бутун танаси сканерланса, иккинчи проекцияда предметлар яширилиши мумкин бўлган тананинг белдан кўкраккача бўлган қисми «гавдаланади».

Бундай техник воситасининг ўрнатилиши, табиийки, у билан ишлаш олиш малакасини ҳам талаб этади. Шу муносабат билан мазкур техник воситасини ўрнатиш билан шуғулланган беларусиялик мутахассислар ундан хизматда қандай фойдаланиш, ноқонуний олиб кирилиши мумкин бўлган ашёларни аниқлаш ва бошқа масалалар бўйича ходимларга ўқув машғулотни ташкил этди.

Мазкур замонавий техник восита юртимиз ҳудуди орқали олиб ўтилиши мумкин бўлган ноқонуний товар-моддий бойликларни аниқлашга хизмат қилади.



*customs.uz сайти асосида.*

## КОНУНБУЗАРЛИКЛАР ФОШ ЭТИЛДИ

### ПАҚИЛДОҚ БИЛАН ДОРИ – БЎЛДИ БОШ ОҒРИҒИ

**Сирдарёда пиротехника ва дори воситалари «бизнеси»ни  
йўлга қўйган уddaбурон аниқланди**

Сирдарё вилояти божхона бошқармаси Контрабандага қарши курашиш ва божхона аудити бўлими тезкор бўлими ходимлари ДХХ Сирдарё вилояти бошқармаси ва ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда пиротехника маҳсулотларининг ноқонуний айланувиغا қарши курашиш борасида тезкор тадбир ўтказишди.

Сирдарё тумани ҳудудида тезкор кузатувга олинган Р.Б. бошқарувидаги «Ласетти» автомобили тўхтатилиб, тадбир иштирокчилари ва ҳолислар иштирокида машина салони ва юкхонаси кўздан кечирилганда Х.Э.га тегишли, хорижда ишлаб чиқарилган, божхона расмийлаштирувдан ўтганлигини тасдиқлов-

чи ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган, қиймати 12 млн 640 минг сўмлик пиротехника воситалари борлиги аниқланди ва ашёвий далил сифатида олинди.

Мазкур ҳолат юзасидан олиб борилган тезкор-қидирув ва суриштирув натижасида фуқаро Х.Э. Тошкент шаҳридан харид қилиб олган пақилдоқларни икки қисмга ажратиб, Тошкент-Қарши йўналишида ҳаракатланган автотранспорт воситаларига юклаб, ўзи яшайдиган манзилга олиб кетаётганлиги маълум бўлди ва ушбу тезкор маълумот асосида тадбир давом эттирилди.

Эътиборли жиҳати шундаки, кузатувдаги «Ласетти» русумли автотранспорт воситаси тўхтатилиб, белгиланган тартибда кўздан кечирилганда автомашинада ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган, қиймати 20,2 млн сўмлик пи-



ротехника воситалари ҳамда 15 турдан иборат 174 дона сифати кафолатланмаган ва ҳужжатлари бўлмаган дори воситалари ҳам борлиги маълум бўлди.

Ўтказилган мақсадли тезкор тадбир давомида Э.Х.дан жами қиймати 32,8 млн сўмлик 17 донна салютлар ва 42 минг донна пиртехника ҳамда 9 млн 230 минг сўмлик дори воситалари ашёвий далил сифатида олинди.

Ҳозирда ҳолат юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

*Сирдарё вилояти божхона бошқармаси  
Ахборот хизмати.*

✓ ЖАРАЁН



УЧРАШУВ

## ТАДБИРКОРЛАР ҲУЗУРИДА

Тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш, маҳаллий маҳсулотларни ташқи бозорга чиқариш, янги ишлаб чиқариш тармоқларини йўлга қўйиш ва ишчи ўринларини яратиш бугунги кундаги асосий вазифалардан ҳисобланади.

Шу муносабат билан Тошкент шаҳар божхона бошқармаси томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш, уларнинг экспорт фаолиятига доир муаммоларни ҳал этиш борасида тизимли ишлар ташкил этилмоқда. Пойтахтнинг Яшнобод туманида жойлашган «Технопарк» МЧЖда бўлиб ўтган учрашувда Тошкент шаҳар божхона бошқармаси бошлиғи Т.Саидов, Божхона назоратини ташкил этиш бўлими бошлиғи Ш.Худоёров ҳамда «Тошкент-товар» ТИФ божхона пости бошлиғи У.Қодиров корхонанинг иш фаолияти, яқин ва узоқ йиллик лойиҳалари билан танишишди.

Учрашувда божхона соҳасига оид қабул қилинган муҳим фармон ва қарорларнинг мазмун-моҳияти тушунтирилди, рақамли божхона рақамли иктисодиётнинг узвий бўлаги сифатида юртимизда амалга оширилаётган иктисодий ислохотларда муҳим аҳамият касб этаётганлиги, соҳага замонавий технологияларнинг жорий қилинганлиги натижасида ташқи иктисодий фаолият қатнашчилари ўз юкларини тез фурсатларда ҳамда инсон омилсиз «Хавфни бошқариш» автоматлаштирилган тизими доирасида электрон божхона юк декларациялари

«яшил», «сарик» ҳамда «қизил» йўлақларга тақсимланган ҳолда божхона расмийлаштирувидан ўтказилаётганлиги, божхона постларида экспорт жараёнлари эса 24 соат мобайнида узлуксиз амалга оширилаётгани таъкидланди.

### Маълумот ўрнида.

Республика Президентининг фармон ва қарорлари асосида корхона томонидан божхона тўловларидан 583,9 млрд сўм имтиёз қўлланилган ҳолда Хитой, Германия, Жанубий Корея, Россия ва бошқа Европа давлатларидан қиймати 53,5 млн АҚШ долларига тенг бўлган замонавий технологик асбоб-ускуна ва хом ашёлар олиб келинган. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида «Techno Export» корхонаси билан ҳамкорликда қиймати 56 млн АҚШ долларлик машииний техника товарлари Қозғистон, Тожикистон, Россия, Украина ва бошқа МДҲ давлатларига экспорт қилинган. Корхонада 3 500 нафардан ортқ ишчи ўринлари яратилган.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси  
Ахборот хизмати.

## ИНТЕНСИВ КЎЧАТЛАР – ЭКСПОРТГА

Жомбой туманида фаолият бошлаган «Богбон» агрокомплексиде ташкил қилинган «In vitro» лабораториясида мевали ва манзарали дарахт кўчатлари вегетатив усулда замонавий технологиялар асосида етиштирилмоқда.


Умумий қиймати 2,5 млн АҚШ доллари бўлган лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида шу пайтгача хориждан олиб келинган мевали ва манзарали дарахт кўчатлари маҳаллий шароитда тайёрланмоқда. Лабораториянинг ишга туширилиши 80 га янги иш ўрни яратилишига замин яратди.

– Фаолиятимизни бошлаган даврда хориждан келтирилган кўчатлар ҳар бир донасининг таннархи 5 доллардан 20 долларгача етган, – дейди «In vitro» лабораторияси раҳбари Илёс Ҳайдаров. – Айни пайтда биз етиштираётган кўчатлар 3-3,5 доллар қиймага эга бўлмоқда. Энг муҳими, боғдорчилик билан шуғулланиш ниятида келган харидорларнинг самарали фаолият юритишлари учун уларнинг

тупроқ шаронтини ўрганиб, ерга мос кўчатларни тавсия қиламиз. Бунинг учун тупроқ ташхислаш лабораториямиз ҳам ташкил қилинган.

Лабораториянинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 15 млн дан 20 млн донагача пайвандтаг, пайвандланган кўчатлар етиштириш имконини беради. Жорий йилда 4 млн дан 6 млн тупгача кўчат тайёрланди. Бу кўрсаткич 2021–2022 йилга бориб 20 млн га етказилиши кўзда тутилган. Айни пайтда қўшни Туркменистон, Афғонистон, Қирғизистондан буюртмалар келиб тушмоқда. 2023 йилдан лабораторияда етиштирилган кўчатлар экспортга чиқарилиши режалаштирилган.

Самарқанд вилояти  
божхона бошқармаси  
Ахборот хизмати.



## ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАР ФОШ ЭТИЛДИ

# БАЙРАМЛАР ЯҚИН. ЛЕКИН КАЙФИЯТНИ ТУШИРМАНГ!

Божхоначилар пиротехника воситаларининг ноқонуний савдосига чек қўйди

Янги йил байрами арафасида кишининг дилини хира қиладиган ҳолат кўнаяди – пиротехника воситалари ҳаммаининг тинчини бузади. Божхона органи ходимлари бундай қонунга зид фаолиятнинг пайини қирқинишда доим фаолдир.



Самарқанд вилояти божхона бошқармаси Контрабандага қарши курашиш ва божхона аудити бўлими ходимлари Давлат хавфсизлик хизмати ходимлари билан ҳамкорликда пиротехника воситаларини кўча-қўйда пуллаш билан боғлиқ ноқонуний ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Самарқанд шаҳрида тезкор тадбир ўтказишди.

Тадбирда «KIA Carnival» русумли автомашинанинг юкхонасида У.А.га тегишли бўлган, хорижда ишлаб чиқарилган умумий қиймати 111 млн сўмга яқин, жами 9 турдаги 56 172 дона пиротехника воситалари борлиги аниқланди ҳамда ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Ҳозирда ушбу ҳолат юзасидан дастлабки божхона суриштирувлари олиб борилмоқда.

Самарқанд вилояти божхона бошқармаси  
Ахборот хизмати.

СОЛИК ВА ХАБАРЛАРИ  
БОЖХОНА

Молиявий-иқтисодий,  
ахборот-ҳуқуқий газета

ТАЪСИСЧИ  
«Норма» МЧЖ

Газета 2016 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган.  
Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 0040.  
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир  
Фарҳод Собирович  
ҚУРБОНБОЕВ

Нашр учун масъул –  
бош муҳаррир ўринбосари,  
масъул котиб  
Нодир Носирович  
АЛИМОВ

Саҳифаловчи  
Наталья  
БАРАНОВА

МАНЗИЛИМИЗ:  
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,  
Таллимаржон кўча, 1/1  
ТЕЛЕФОН/ФАКС  
Таҳририят: (71) 200-00-90;  
E-mail: sbx@norma.uz,  
gazeta@norma.uz, web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг  
электрон версияларини етказиб бериш ва харид  
қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30;  
«Норма» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90;  
рекламани жойлаштириш бўйича  
(71) 231-07-91 телефон рақамларига мурожаат  
қилиш мумкин.

Газета ношир – «ТОРПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида териштириш ва саҳифаловчи. Нашр кўрсаткичлари: «СБХ» – 186, «НТВ» – 165. Қозғоз бичими – А3. Ҳажми – 4 босма табоқ, Бақоси келишилган нарҳда. Буюртма г-1115. Адади 615. Газета 2020 йил 23 ноябрь соат 16.00 да таширилди.